


*Adabiyot, madaniyat yashasa – millat yashaydi*

# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | 2021-yil 12-fevral / № 7 (4614)


## НАВОИЙНИНГ ВАТАН ЯНГЛИҒ ҚИЁСИ ЙЎҚ

*Алишер Навоий ҳазратлари ҳаётлик чоғларида Ҳаж зиёратига боришни ният қилганлар. Бироқ ўзлари “Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай, Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай” деб ёзганларидек, умрини фақиру фуқаро ва ғарибу ғураболар кўнглини шод айлашга бағишлаганлар. Бу саховатли амаллари ва ибратли фаолиятлари учун икки олам саодатига муяссар бўлганлар. Шу боисдан ҳам ул буюк зотнинг номлари Каъбани обод этган, Оллоҳнинг муҳаббатига сазовар бўлган муборак зотлар қаторида эътироф этилади.*




Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳазрат Алишер Навоий ижодини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва оммалаштириш, умуман, мамлакатимизда адабиёт ва санъат соҳаларини ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратмоқдалар. Айнан ҳурматли Президентимизнинг ташаббуси билан қисқа вақт ичида пойтахтимиздаги энг сўлим масканда Адиблар хиёбони барпо этилди. Таъбир жоиз бўлса, мана шу муҳташам мажмуа ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига улкан совға бўлди.

2020 йил 19 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши маданий-маърифий ҳаётимизда улкан воқеага айланди. Ана шу тарихий ҳужжатнинг муқаддимасида шундай сўзлар битилган: “Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўз асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади”.

Президент қарорида буюк мутафаккирнинг бебаҳо илмий-ижодий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва бутун дунёда тарғиб қилиш, ҳазрат Навоий илгари сурган юксак ғояларни ёшларимиз онги ва қалбига чуқур сингдириш борасида улкан вазифалар белгилаб берилди.

Шу мақсадда яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинди.

Айниқса, ҳазрат Алишер Навоий меросини чуқур тадқиқ этиш ва унинг юксак ғояларини тарғиб қилишга улкан ҳисса қўшган инсонлар ҳамда илмий-ижодий муассасаларни тақдирлаш мақсадида Алишер Навоий орденининг таъсис этилиши барчамизни руҳлантириб юборди.

Шу пайтгача барчамиз бутун дунёда асосан таниқли сиёсий арбоблар ва ҳарбий саркардалар номи билан аталадиган орден ва медаллар таъсис этилишига кўникиб қолган эдик. Жонажон Ватанимизда миллий адабиётимиз ва она тилимизнинг асосчиларидан бири бўлган улуғ мутафаккир шарафига Алишер Навоий орденининг таъсис қилиниши Ўзбекистонда маънавий-маърифий тараққиётга қай даражада юксак эътибор қаратилаётганининг ёрқин далилидир.

Ҳазрат Алишер Навоий ўз даврида буюк гуманист аллома сифатида халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратган. Ул зот барпо этган мадрасаларда турли миллатларга мансуб ёшлар таълим олишган. Қолаверса, форс-тожик адабиётининг улуғ намояндаси Абдураҳмон Жомийни ўзига устоз деб билиб, уни юксак ҳурмат қилган.

Шу маънода, бу йил пойтахтимизда Алишер Навоий номидаги халқаро ижод мактабининг барпо этилиши замирида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Насиб этса, яқин келажакда ана шу даргоҳда юртимиз ва хорижий мамлакатлардан келган истеъдодли ёшларни ўқитиш йўлга қўйилади.

Кейинги ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида Алишер Навоий асарларини узлуксиз ўқитиш концепцияси асосида ўқитиш йўлга қўйилади.

Йил давомида Алишер Навоийнинг илмий-ижодий меросига бағишланган нуфузли халқаро анжуманлар ўтказиш, буюк мутафаккирнинг асарларини чоп этиш ва бошқа яна кўплаб тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Атоқли шарқшунос олим Николай Конрад шундай деган эди: “Дунёда Алишер Навоийдек шоир борлиги учун ҳар қанча қувонсак арзийди. Бизга шундай шоирни инъом этган ўзбек халқига буюк ташаккуримизни айтамиз. Биз бу шоирни нафақат ўрганамиз, балки унинг асарларини қўлимиздан қўймасдан ўқиймиз, мутолаа қиламиз. Нафақат ўқиймиз, айни пайтда унинг беназир ижоди ҳақида ўйлаб, мушоҳада юритамиз. Уни ўз шоиримиз сифатида ардоқлаймиз”.

Устозимиз Абдулла Орипов эса: “Шеърият тахтини мангу эгаллаган султони Алишер Навоийдир”, деган эди.

Алишер Навоийнинг барча асарлари исломий маърифат зиёси билан йўғрилган. “Арбаъин” номли асарларида ҳадисларни шеърга солиб, юксак бадиий санъат намуналарини яратадилар: “Қай ким ўзига раво кўрмаганни биродарига раво кўрар экан, имонли бўлмагай” деган ҳадиси шарифни шундай гавҳар сўзлар билан назм шодасига терадилар:

**Мўъмин эрмастур улки, иймондин**
**Рўзгорида юз сафо кўргай.**
**Токи, қардошиға раво кўрмас –**
**Неким, ўз нафсиға раво кўргай.**

Ёки “Халққа раҳм қилмаганга Оллоҳ раҳм қилмайди” деган ҳадис мазмунини шундай дурдона мисраларга айлантиради:

**Тенгридин раҳм агар тамаъ қилсанг,**
**Аввал ўлмоқ кераксен элга раҳим.**
**Ҳар кишиким, улусқа раҳм этмас,**
**Анга раҳм айламас раҳими карим.**

Алишер Навоий асарлари илоҳий маърифат нури билан суғорилгани учун ҳам неча юз йиллар давомида дунё китобхонлари кўнглини, онгу шуури ва тафаккурини мунаввар этиб келмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам бугун ёш авлод маънавиятини юксалтиришда, уларни илмли, билимли, имон-эътиқодли, ўз Ватани ва халқига садоқатли этиб тарбиялашда Алишер Навоий асарлари сув ва ҳаводек зарур.

Маълумки, шу пайтгача мамлакатимизда ва чет элларда жуда кўплаб навоийшунос олимлар етишиб чиқиб, ҳазрат Алишер Навоийнинг бебаҳо ижоди ва ибратли фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш борасида катта ишларни амалга оширмоқдалар. У кишининг асарлари моҳир таржимонлар томонидан дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилиниб, бутун инсониятнинг маънавий мулкига айланмоқда.

Эътиборли жиҳати, муҳтарам уламоларимиз ҳам қутлуғ сана муносабати билан юртимиздаги барча масжидларда ул зотнинг асарларида илгари сурилган эзгу ғоялар ҳақида мўмин-мусулмонларга маърузалар ўқиб, ҳазрат бобомизнинг руҳи покларига Қуръон тиловат қилиб, дуойи хайрлар қилдилар.

Алишер Навоий Иккинчи Ренессанс деб аталган буюк Уйғониш даврининг улуғ намояндаларидан бири эди. Шоир тараннум этган умуминсоний ғоялар, унинг жаҳон адабиёти дурдоналарига айланган асарлари бугун ҳам миллий ва умумбашарий қадриятларни ижтимоий ҳаётга тадбиқ этиш учун хизмат қилаётир.

Ҳазратнинг ўзлари “Ҳар тунунг қадр ўлубон, Ҳар кунунг ўлсун наврўз” деганларидек, Навоий асарларини мунтазам мутолаа қилган инсоннинг ҳар туни қадр, ҳар куни наврўз бўлиши шубҳасиз.

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб – шаҳару қишлоқларимиз, билим юртлари ва мактаблар, юртимизнинг хорижий элчихоналари, қолаверса, Москва, Минск, Рига, Шанхай, Токио, Боку, Душанбе шаҳарларидаги Навоий бобомизга ўрнатилган ҳайкаллар пойида бўлиб ўтди.

Бутун дунё миллатимиз маънавиятининг қуёши – улуғ бобокалонимиз Мир Алишер Навоий ҳазратларига чуқур ҳурмат-эҳтиромини намоён этди.

**Сирожиддин САЙЙИД,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

*14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун*

## ШОҲНИНГ ШОИРОНА МАКТУБЛАРИ

Ёлғизлик ҳисси кучайгани сари киши қалбида ҳабибга эҳтиёж кучаяди. У ростгўй бўлса, самимий бўлса, яна сизни тушунадиган бўлса, камчиликларингизга кўзгу солсаю бу сизнинг аччиғингизни келтириш ўрнига хуш ёқса, сергак торттирса. Ҳаммасидан ҳам ўтадигани, унинг юрак амри-ла ниҳоятда камтаринлик билан айтилган дил сўзлари руҳингизни кўтарса, умр ва оламнинг янада гўзаллигини англатиб, севишга, курашишга чорлаб турса, бундай ҳабиб кишининг саодати эмасми?!

Ҳамма замонлардан ҳам ёлғизлик ҳисси кучайган айни даврда шундай ҳабибни кўпинча мозийдан, аждод орасидан излашга тушар экансиз. Мен Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларини ўқирканман, у кўнглим ҳабибига айланганини ўзим-да сезмай қоламан.

Киши дўстига энг муҳим сўзни айтмоқчи, сирини ошкор қилмоқчи бўлса, унга мактуб йўллайди ва ёлғизликда у билан ёлғиз қолиб суҳбатлашиб олгандай бўлади. Бобурнинг шеърияти Ёрга, Дўстга жуда мухтасар, нозик, рангин, жўшқин ва некбин бир тарзда йўлланган мактублардир.

**Ғурбатда солди чарх мени юз жафо била,**
**Ёд айла мен ғарибни гаҳе дуо била.**

**Беҳад вафоу меҳр санга кўрсатиб эдим,**
**Сан ҳам соғинғасен мени меҳру вафо била.**

**Чун қилди мени ул бути Чин зору мубтало,**
**Ишим менинг қолиптур эмди Худо била.**

►4




### Заҳириддин Муҳаммад Бобур

**Тишинг дур, лабинг маржон, хадинг гул, хатинг райҳон,**
**Юзунг ҳур, сочинг анбар, сўзунг мул, менгинг мейнон.**
**Мейнон менгинг, сўзинг мул, анбар сочинг, юзунг ҳур,**
**Райҳон хатинг, хадинг гул, маржон лабинг, тишинг дур.**

**Тафоҳур кўзум, кўнглум қилурлар магар бордур,**
**Кўзунга кўнгул вола, юзунга кўзум ҳайрон.**
**Ҳайрон кўзум юзунга, вола кўнгул кўзунга,**
**Бордур магар, қилурлар кўнглум, кўзум тафоҳур.**

**Тафаккур неча қилсам топилмас сенинг мислинг,**
**Парийдек сени кўрдум эмассен магар инсон.**
**Инсон магар эмассен, кўрдум сени парийдек,**
**Мислинг сенинг топилмас қилсам неча тафаккур.**

**Балодур манга ҳажринг, даводур манга васлинг,**
**Итобинг манга офат, ҳадисинг манга дармон.**
**Дармон манга ҳадисинг, офат манга итобинг,**
**Васлинг манда даводур, ҳажринг манга балодур.**

**Чу Бобур санга қулдур назар қил анга зинҳор,**
**Топилмас яна бир қул анингдек санга, эй жон.**
**Эй жон, санга анингдек, бир қул яна топилмас,**
**Зинҳор анга назар қил, қулдур санга чу Бобур.**

## УЛУҒ МУТАФАККИР ШАРАФИГА

*Шу йилнинг 9 февраль куни пойтахтимизнинг кўркам ва қутлуғ гўшасига айланган Адиблар хиёбонига кўплаб адабиёт мухлислари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари, адиблар ва шоирлар, адабиётшунос олимлар ҳамда талаба-ёшлар жам бўлишди.*

Бу йил буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудига 580 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган тантаналар ҳар йилгидан кўра файзли бўлди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййид тантана иштирокчиларини қутлаш асносида, туркий тил имкониятлари беқиёслигини ўз ижодида муҳрлай олган улуғ бобомизга мамлакатимизда кўрсатилаётган эътибор ва эҳтиром, хусусан, унинг бой меросини ўрганиш борасида амалга оширилаётган салмоқли ишлар билан жамоатчиликни таништирди.

►2

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

*Оммавий ахборот воситаларида сериаллар ҳақида баҳс-мунозаралар бошланганига неча ўн йиллар бўлди. Баҳслар авжига чиққани сари телеканалларимизда сериаллар баттар кўпаймоқда. Нима учун томошабинлар талаби, хоҳиш-истаги эътиборга олинмайди? Бу ҳақда ОАВ, сайтлар тинимсиз таҳлилий, мулоҳазали мақолалар бериб бормоқда. Кўп сериаллар мазмунан бир-бирига ўхшашлигига нима дейсиз? Хиёнат ва разолат – бош мавзуга ўхшайди, гўё.*

## СЕРИАЛЛАР: ТАНҚИД ҚИЛИНГАН САРИ...

Хусусий каналлардан бирида эфирга узатилган “Залолат” фильмини олиб кўрайлик. Хотирасини йўқотган Азизнинг хотини Наргиза эрига осонгина хиёнат қилади. Эрининг дўсти билан кафема-кафе, ресторанма-ресторан юради. Ичкиликка берилади. Хориж кинофильмларида хиёнат лавҳаси ўзгача очиб берилади. Аёл нега хиёнат қилди? Унга меҳр етишмадими, эри томондан эътибор етишмадими, хиёнат қилган аёлнинг виждони қийналяптими, аввало, мана шу туйғуларга эътибор қаратилади. Ўзбек сериаллари ва киноларида-чи? Аёлга эрнинг эътибори, муҳаббати қизиқмас. Киноларимизда, афсуски, аксарият ҳолларда аёл эри касал бўлиб қолса, бўш-баёв бўлса, эрининг иши юришмаса, пул тополмаса, совғалар беролмаса, албатта, хиёнат йўлига киради, яъни моддият биринчи ўринга қўйилади. Хўш, ўша кинодаги аёлнинг, эрнинг, дўстнинг хиёнати орқали жамиятдаги қайси камчилик ёки оғриқли нуқта очиб берилмоқда?

Бу кимгадир ибрат бўла оладими? Яқинда хусусий каналлардан бирида қўйилган “Қадам” сериалида келинига тегажоғлик қилмоқчи бўлган қайнотани кўрсатишди. Бундай қайноталар ҳаётда йўқ демоқчи эмасмиз. Аммо бу ахлоқи бузуқ бирон шундай ахлоқсиз қайнотанинг тузалишига, яхши томонга ўзгаришига туртки бўладими ёки мойиллиги бор, аммо ичида яшириниб юрган ёмонликни уйғотиб юборишга хизмат қиладими?

Сериалларга ёзилаётган сценарийларнинг мавзуси ўта жўн. Ҳаётни етарли кузатмай ёзилгани билиниб туради. Ҳаётни кузатиш учун одамлар орасида кўпроқ бўлиш керак. Айтайлик, бирор касб ҳақида фильм ишланса, касбнинг ўзига хосликлари бир четда қолиб, ўша касбдаги инсоннинг шахсий ҳаёти, оилавий ҳаётига кўпроқ урғу берилади.

►2

## ЭЪЛОН

2021 йил 16 февраль сешанба куни соат 15:00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида **бадиий публицистика** кенгашининг 2020 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтади.

* * *

2021 йил 18 февраль пайшанба куни соат 15:00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида **адабиётшунослик ва адабий танқид** кенгашининг 2020 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтади.

Барча қизиққанларни таклиф этамиз.

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси*

# УЛУҒ МУТАФАККИР ШАРАФИГА



Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 19 октябрдаги қарорига мувофиқ, улуғ шоир таваллудининг 580 йиллигига катта тайёргарлик кўрилди. Қарорда белгиланганидек, жорий йил якунига қадар Алишер Навоий ижод мактабининг очилиши, халқаро жамоат фонди ҳамда орден таъсис этилиши кўзда тутилмоқда. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, Навоий ижодини мамлакатимиз ва дунё миқёсида мукаммал ўрганиш, оммалаштиришда муҳим омил бўлади.

Тадбирда сўзга чиққан Афғонистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Аҳмад Холид Элмий Алишер Навоий ўзининг ўлмас асарлари, уларда тараннум этилган эзгу ғоялар билан нафақат ўзбек халқи, балки бутун жаҳон халқларининг умуминсоний мулкига ҳисса қўшган сиймо ҳисобланишини, улуғ бобомиз Ҳирот ва Хуросонда минглаб кўприклар, мадрасаю шифохоналар барпо этиш баробарида илм ва ижод аҳлининг ҳомийси бўлгани, Афғонистонда ҳам Навоий ижоди жуда қадрланиши ва айни пайтда унинг бадиий мероси пухта ўрганилаётганини таъкидлади.

Маросимда сўзга чиққан Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, навоийшунос олим Шуҳрат Сирожиддинов улуғ шоир ижодидан мисоллар келтириб, Навоий асарлари инсонда олижаноблик фазилатларини тарбиялашга хизмат қилишини қайд этди. Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таржимон, профессор Хуррам Раҳимов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир Навоий даҳосининг ўзига хос қирраларига тўхталиб, Янги Ўзбекистонимизнинг мафкураси бобомиз асарларида аксини топган эзгулик, одамийликка ҳамда азалий қадриятларимизга асосланаётганини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Умр бўйи эзгулик, одамийлик, инсоф-диёнат каби ақидаларга қатъий амал қилган мутафаккир бобомизнинг ижоди бутун башарият учун ибратлидир. Қолаверса, фуқароларимизни бугунги улкан бунёдкорлик ва яратувчилик ишларига даъват этишдек саъй-ҳаракатлар Навоий бобомиз орзу қилган адолатли ва фаровон жамиятни барпо этишимизда тамал тоши бўлишига асло шубҳа йўқ.

Тадбирда улуғ бобомиз ижоди ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини масофавий тарзда билдирган эронлик олим, "Дўстлик" ордени соҳиби Муҳаммадзода Ҳусайн Сиддиқ ҳам Навоий асарлари бутун дунёда бўлгани каби Эронда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилаётганига урғу берди.

Туркиялик олим Президентимизнинг Алишер Навоий номидаги мукофотни таъсис этиш тўғрисидаги қарорини алоҳида эътироф этди. Озарбайжонлик навоийшунос олим Рамиз Асқар улуғ Навоий барча жанрларда юксак маҳорат билан, мукаммал ва самарали ижод этганига тўхталди.

Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқовнинг Навоий ижодидан ўқиган намуналари, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева ижросида Навоий ғазали билан куйланувчи "Муножот" ашуласи тантанага янада файз киритди. Тадбир сўнгида улуғ алломага эҳтиром сифатида ҳайкал пойига гуллар қўйилди.

Тантанада Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари Хайриддин Султонов, Абдужаббор Абдувоҳидов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Беҳзод Мусаев иштирок этди.

Шоир таваллуди муносабати билан пойтахтимизнинг гавжум Навоий кўчасидаги хиёбонда, шунингдек, шоир номи билан юритилувчи Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ҳам маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Мазкур анжуманларда Навоий ғазаллари ҳамда сўзга чиққан замондош шоирларнинг улуғ шоирга бағишланган шеърлари янгради. Бундай қизиқарли адабий тадбирлар ва учрашувлар республикамизнинг кўплаб олий ўқув юртлари, турли идора ва ташкилотлар ҳамда ўрта мактабларда давом этмоқда.

**Абдумажид АЗИМ**

* * *

Улуғ шоир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги нафақат Ўзбекистон халқи, балки бутун дунё аҳли қаторида, Беларусь ўқувчилари учун ҳам қутлуғ санадир. Навоий ҳаётининг сўнгги йилларида яратган буюк асар – "Маҳбуб ул-қулуб" бу йил беларусь тилига таржима қилинди. Инсонга хос ахлоқий ва маънавий хусусиятлар баён қилинган бу асар мамлакатимиздаги кўплаб инсонларни ҳаётни севишга, турмушдаги қувонч ва ташвишлар хусусида мушоҳада юритишга ундайди. Таъкидлаш керакки, Алишер Навоий каби даҳолар хотирасини эъзозлаш Ўзбекистон ва Беларусь учун ҳам, умуман, инсоният учун ҳам ўта муҳимдир. Чунки у инсониятни янада юксак идеалларга интилишга, мумтоз адабиётнинг нодир намуналарини англаб етишга, уларни синчиклаб ўрганиш ва ифтихор қилишга чорлаб туради.

**Дмитрий РАДКЕВИЧ,**
**"Маҳбуб ул-қулуб" асари таржимони,**
**Беларусь Республикаси мусулмонлари бирлашмасининг**
**Имомлар кенгаши раиси**

* * *

**Россиянинг "Культура" телеканалида эфирга узатилган Фёкла Толстая муаллифлигидаги "Наблюдатель" кўрсатуви бу сафар Алишер Навоий ижодига бағишланди.**

Унда қатнашган шарқшунос олима, тарих фанлари номзоди, доцент Дарья Жигульская Алишер Навоийнинг "Келмади" радифли ғазалини ўқиб берди.

* * *

«Урал – Ўзбекистон» дўстлик жамияти ўзбек маданиятини, хусусан, ўзбек адабиётини Россияда тарғиб қилиш борасида ибратли ишларни амалга ошириб келади. **Екатеринбург шаҳрида жойлашган ушбу жамият буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг 580 йиллиги муносабати билан тадбирлар ўтказди.** Дўстлик жамияти раҳбари, ўзбек маданиятининг фаол тарғиботчиси Обид Туратов ташаббуси билан ўтган тадбирлар жойларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

* * *

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Дўстлар клуби"нинг фаолияти ижодий уюшмалар ўртасида ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига ҳисса қўшиш билан бирга, турли соҳа ижодкорлари фаолиятининг оммалашишига, уларнинг мухлислар билан дўстона алоқалар боғлашига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмасида Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишлаб "Сўз, оҳанг ва тасвир" туркумида ўтказилган бадиий кечада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид, Театр Арбоблари уюшмаси раиси Ёқуб Аҳмедов, Бадиий академиянинг Бадиий ижодкорлар уюшмаси раиси Иброҳим Валихўжаев ҳамда устоз ижодкорлар ва ёшлар қатнашди.

Кечани олиб борган Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев мусиқачилар фаолиятида буюк мутафаккирнинг сиймоси ва асарлари қай даражада акс эттирилаётганига тўхталди. И.Валихўжаев рассом ва ҳайкалтарошларнинг шоир қиёфасини яратиш борасидаги изланишлари ҳақида сўзлади. Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов "Алишер Навоий" спектаклидан Навоий монологини ўқиб берди. Шоир Ғайрат Мажид мутафаккирнинг ўзбек адабиётида тутган ўрни, ижодкорларнинг шоир юбилейига тайёргарлиги ҳақида сўзлаб, ўз ижодидан намуналар ўқиди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Дадаевнинг Алишер Навоий ғазаллари билан куйлаган қўшиқлари даврага файз бағишлади.

**Ўз ахборотимиз**

# БОЛАЛАР УЧУН ШУНЧАКИ ЁЗИБ БЎЛМАЙДИ

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгашининг 2020 йил якунлари бўйича йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.*

Йиғилишда болалар ва ўсмирлар адабиёти йўналишида ўтган йил мобайнида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, галдаги устувор вазифалар муҳокама қилинди. Бугунги кунда болалар адабиётига эҳтиёж сезилаётгани, катталар учун ёзадиган ижодкорлар дебочасида, албатта, болаларга бағишланган асарлар бўлиши лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида бир қатор ижодкорларнинг болаларга бағишланган ижодий ишларига кенгаш аъзолари томонидан тақриз ва хулосалар берилган. Бу қўлёзмалар ичида атоқли шоир ва ёзувчиларнинг ҳам ижод намуналари мавжуд. 2020 йил синовли йил келса-да, болалар учун асарлар ёзилди. Кўплаб ижодкорлар салмоқли ижод қилди.

Боғча ёшидаги болажонлар ва бошланғич синф ўқувчиларига мўлжаллаб тайёрланаётган «Китобжоним – қувончим» тўпламининг рус тилидаги вариантини тайёрлашда рус тилида ижод қила оладиган болалар ижодкорлари жалб этилиб, уларга устоз ижодкорлар бириктирилди. Айни пайтда мазкур китоб нашр учун топширилган.

– Болалар нашрини яхшиламай туриб, болалар ва ўсмирлар адабиётини ривожлантириб бўлмайди, – деди болалар шоираси Муаззам Иброҳимова. – Минг афсуски, бугун болалар нашрларида обуна қувонарли эмас. Мактабда ўқувчи ўзини ёшига мосланган вақтли нашрларни ўқимаса, ундан келажакда нима умид қилиш мумкин. Бугун болалар нашрлари ранг-баранг чиқяпти. Аммо ўқувчиси кам. 10 мингдан ортиқ мактаби бор мамлакатимизда бир болалар журналига 5 минг нафар ўқувчи обуна бўлмаса, бу ачинарли ҳолку. Бу дегани, журнал кириб бормайдиган, газета кириб бормайдиган мактаблар кўп.

Йиғилишда болалар ва ўсмирлар адабиёти йўналишини янада ривожлантириш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб олинди.

**Д. МАМАТОВА,**
**ЎзА**

МУНОСАБАТ

*Инсониятни қаттиқ қалқитган пандемия бизнинг юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Тезкор кўрилган чора-тадбирлар натижасида йўқотишларимиз нисбатан кам бўлди.*

*Донишманд халқимиз орасида бир ибора юради. Яқинига ёки бошқа инсонга ўта муҳим бир топшириқ ёки илтимосини айтганда: "Буни темир дафтарингга ёзиб қўй, шунда ҳеч қачон эсингдан чиқмайди" деб алоҳида таъкидлайди. Бу иборанинг мазмун-моҳияти бугун кундалик ҳаётий шиорга, заруриятга айланиб бормоқда.*

# ОМОНАТГА ХИЁНАТ КЕЧИРИЛМАЙДИ



Бугун бу ибора бутун бир давлат бошқарувида адолат тамойилини ўрнатишнинг зарур воситаларидан бири сифатида қўлланила бошлади. Шу асосда мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзловчи янги тизим жорий этилди. Барча ҳокимлик идораларида "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари", "Хотин-қизлар дафтари" йўлга қўйилди. Мақсад – юртимизнинг ҳеч бир фуқароси эътибордан четда қолмаслиги, бирон-бир касбни эгалламаган фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш, иш билан таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш, камбағалликни бартараф этишдан иборат.

"Темир дафтар" атамаси замирида унутиш, ташлаб қўйиш мумкин бўлмаган битиклар борки, бу битикларда инсон тақдирига масъуллик мужассам. Бу масъуллик соф виждон ва темир интизомни талаб қилади.

Агар "Темир дафтар" ташкил қилинмаганда, аҳолининг камбағал қатлами хатловга киритилмаганда пандемия шароитида уларни тўла-тўкис аниқлаб олиш, ғамхўрлик қилиш ниҳоятда катта қийинчилик туғдирган бўларди. Ўз вақтида кўрилган чора-тадбир шундай мураккаб бир шароитда барчамизга қўл келди. Кимларга қандай ёрдам кўрсатиш режали равишда амалга оширилди.

Афсуски, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ҳатто шу камбағалларга аталган инсонпарварлик ёрдамлари ҳам баъзи масъул раҳбарларнинг савоб халтасига эмас, нафс ғорига тушиб кетган ҳоллари ҳам учраб турибди.

Яқинда мансаб курсисига ўтирган бир танишимнинг баъзи раҳбарлар ҳақида фикр юритаётиб, у раҳбарга фалон-фалон жойдан, бу раҳбарга фалон-писмадон жойдан томиб туради, деган гапларидан ҳайрон бўлиб қолдим.

"Томиб туради", деган сўздан жиркандим. Юрагим оғриди.

Раҳбарлик – бисот орттириш, мол-дунёни кўпайтириш воситасими?!.

Раҳбарлик – Ватанингга, халқингга бошқалардан кўпроқ хизмат қилиб, кўпроқ савоб ишлар қилиш имкони эмасми?!.

Шундай улуғ имкон қўлига берилган инсонлар қўлини чўнтагига солишга ҳаққи борми?

Бир куни икки яшар набирам билан кўчадан уйимиз томонга юриб келаётгандик, дарвозага яқинлашаётганда "Ана, бу бизнинг уйимиз", деди чучук тиллари билан.

Лол бўлиб қолдим. Ана шу лаҳзаларда ҳаётнинг ҳақиқий маъносини – бу дунёнинг ўткинчилигини, биз эгалик қилиб турган ҳеч бир нарса бизники эмаслигини, топган-тутганларимизнинг бариси, ҳатто шу яшаб турган дунёмизнинг ҳам ўткинчи, омонат эканлигини юрак-юрагимдан ҳис қилдим.

Ҳолбуки, бу уйни эндигина ўзимники, деб ҳисоблай бошлагандим-да. Мендан олдин яшаб ўтганлар ҳам уни ўзлариники, деб ўйлашган, ишонишган. Шунда онам раҳматлининг ҳикматларга қоришиқ ўгитлари ёдимга тушди.

"Ерлар ётар, эрлар қани?" деб бот-бот такрорлаб турарди онам, болалик чоғларим. Кейин ўтиб кетган азиз авлиёларни, ўзи таниган, билган баъзи инсонларни эслаб, "Аттанг, шундай одамлар ўтиб кетди-я" деб чуқур хўрсиниб қўярдилар… Бундай хўрсинишлардан сўнг маъюс тортиб: "Яхшилик қилинглар, болаларим… Яхшилик қилинглар. Одамзоддан фақат яхшилик қолади. Молу дунё, ҳою ҳаваслар бари ўткинчи", дея таъкидлашни унутмасди, доим эгнидан оддийгина чит кўйлаги тушмаган мушфиқа онам...

"Эй-й болам, Қулхўжа Аҳмадни ўқимагансиларда. Зўр шоир, авлиё одам бўлган. Шу шоирни ўқиганларингда эди, дунёда ёмонлик қолмасди", дер эди онам.

Онамнинг Қулхўжа Аҳмад, деб эҳтиром ила тилга олувчи шоири ислом оламининг улуғ тариқатчиси Аҳмад Яссавий ҳазратлари экан!..

Уни менга оила доирасида онам танитган бўлса, кенг доирада Истиқлол танитди.

"Ерлар ётар, эрлар қани?"..

Бу гапнинг маъносини унчалик ҳам тушунмаган эканман, ўша болалик чоғларим.

Энди ярим асрдан кўпроқ яшаб қўйиб, англаган ҳақиқатим шу бўлдики, не-не эрлар, мард эранлар дунёга келиб кетаверар экан, улардан қоладигани эса табаррук тупроқ – муқаддас Ватан ва эзгу амал экан.

Газ бутунлай ўчган, кўмир – анқонинг уруғи, электр токи номаълум соатлардагина берилган (кўпинча маълум соатларда, деб нотўғри талқин қилинади), дўконлар бўм-бўш, нон қаҳат бўлган кунларга кўп вақт ўтгани йўқ-ку. Наҳотки, ўша кунларни унутиш шунчалар осон?!.

Шахсан ўзим гўдакларимга нонни бир бурдадан ўлчаб берган кунларим бугун эртак.

Ўз вақтида ойлик маошини ололмаган эркак муаллимлар ҳам ўқитувчиликни ташлаб, бозорда картошка сотиб, тирикчилик қилишга, кун кўришга мажбур бўлган кунлар – маънан бир авлодни йўқотиб қўймадикми?..

Шу ўринда анъанавий мактабларда аҳвол қандай бўлади, деган савол туғилиши табиий.

Бу саволга жавоблар 2020 йилнинг 6 ноябридаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида тўла-тўкис ўз ифодасини топган.

Маҳалламизда яшовчи таксичи йигит яқинда шундай деб қолди: "Қандай қийин кунларни кўрдик, опа. Ортда қолгани рост бўлсин. Болалигим қандай ўтганини ҳам билмай қолдим. Отам ишсиз, онам касал эди. Мен, 12-13 яшар бола шаҳарга бориб, новвойларга қарашиб, уйга иккита чалпак нон кўтариб келардим. Шиферсиз уйимизнинг томидан чакка ўтиб, кўрпаларимиз ҳам ҳўл бўлиб қолганини эсласам ҳалиям кўзларимдан ёш чиқиб кетади. Ўляпмизми, қоляпмизми, биз билан бировнинг иши бўлмаган. Ака-укалар қийналиб-қийналиб, йўлимизни топиб кетдик. Ўша чакка ўтиб ётган уй ўрнида данғиллама уйлар қурдик. Аммо энди онам йўқ. Муҳтожлик, касаллик онамни олиб кетди".

Президентимиз халқимиз бугун яхши яшасин, деб қанча-қанча маблағлар ажратяпти. Аммо тўла-тўкис эгаларига етиб бормаётгани ҳам рост. Баъзи ноинсоф амалдорлар бўлмаганда ҳаёт бундан ҳам яхшироқ бўларди, менингча. Инсоф берсин барчага.

Афсуски, бир ноинсоф жазоланса, ўрнига иккинчи ноинсоф пайдо бўлаяпти.

Президентимиз таъбири билан айтилган, "Ҳалоллик вакцинаси" иборасининг мазмун-моҳиятида жамиятни поклаш, одамларни меҳр-оқибатга, инсофга чақиришдек эзгу даъват, бонг, керак бўлса, қатъий талаб мужассамлашган.

**Меҳринисо АБДУРАҲМОНОВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**
**Жиззах вилояти бўлими раҳбари**

# СЕРИАЛЛАР: ТАНҚИД ҚИЛИНГАН САРИ...

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Бу касбнинг машаққатлари, унинг фидойилари қандай бўлиши керак – мана шу жиҳатлари очилмасдан қолиб кетаверади. Ҳар бир қаҳрамоннинг ўзига хос характерини кўриш амри маҳол. Кўпинча қаҳрамонлар, аламзада, шаллақи ёки ўта хокисор. Айниқса, аёл қаҳрамонлар юз ифодасида мунислик ёки олижаноблик балқиб турмайди.

Сериалларимизда жараён, воқеа-ҳодисалар, инсоннинг ички изтироблари етарли даражада кўрсатилмаяпти. Туйғулар кўрсатилиши ўрнига кўпроқ тилда айтиб кетилади. Диалоглар ҳам жуда оддий. Мушоҳадага чорловчи диалоглар, аниқ мақсадни ифодалайдиган суҳбатларни деярли учратмайсиз.

Мана бу "Бу ҳаёт" номли ўзбек сериалидаги диалогга эътибор беринг:

"– Опа, анави мени ҳомиладор қилиб қўйган одам уйланганакан.

– Хафа бўлма, сингилжон, бирон нима қилармиз.

– Аямдаям шунақа бўганакан-а?

– Йўғ-е, онам эрга тегиб, биринчи мани, кейин сани туққан.

– Унақамасакан. Сиззи бировдан орттириб, кейин дадамга тегволиб, 7 ойликда чала туғиб қўйдим, деб юрган. Ойимиз шунақа беҳаё бўлган, опажон...".

Бу диалог орқали нимани тарғиб қилишмоқда? Ўзбек қизларининг ҳомиладор бўлиб қолиши оддий ҳол эканлиги кўрсатиб бериляптими? Энг қизиғи, онасининг ўтмишдаги хатоларини қизларига етказиш ҳам жуда осон. Бу сериал қаҳрамонларининг беҳаёларча фикрлашларига чегара йўқдек, гўё.

Яна бир кинодаги мана бу диалогга эътибор қилинг. Тўйи арафасида, ҳатто никоҳ узуги тақилган қиз йигити билан тортишиб қолди:

"Қиз: — Мараз, ит.

Йигит: — Ҳов, сен ўзингдан кетма...".

Мана шундай қуруқ гаплардан иборат маъни-матрасиз диалогларда на андиша, на ҳаёни кўрасиз. Кейинчалик бу сўзлашув ҳаётда ҳам давом этади. Хориж киноларини кўриб шундай хулосага келиш мумкин: бирор соҳа, масалан, шифокор, ўқитувчи, журналист, ўт ўчирувчи, қурувчи ёки деҳқон ҳақида кино олишлари учун сценарий ёзувчи, режиссёр ва актёрлар ҳар қандай соҳани, одамларни, характерни чуқур ўрганишади, уларнинг қалбини чуқур ҳис қилишади.

"Хатико" хориж фильмини ҳаммамиз яхши биламиз. Бир саҳна кўринишида бош қаҳрамон кичкина кучук боласини уйига олиб келади. Кечаси билан кучук боласи аёлнинг илмий ишларини йиртиб, титиб ташлайди. Ўша жойдаги мана бу диалогга эътибор беринг-а, аёл кучук боласини уйига олиб келган "айбдор" эрига: "Азизим, ахир, бу менинг бир неча йиллик меҳнатим, ҳаммасини йиртиб ташлабди", дея ёзғиради. Аммо ички бир маданият билан, жазавага тушмасдан турмуш ўртоғидан хафалигини билдириб қўяди. Аслида жаҳл келганда ақл кетади, лекин уни чиройли кўрсатиш ва билдириб қўйиш фақат ички маданияти гўзал инсонларгагина хос бўлса керак.

Бизнинг фильмларимизда эса "жабрланган" аёллар ҳақиқатга негадир аламзадалик ва шаллақилик билан эришмоқчи бўладилар. Бугунги киноларда қўлини белига қўйганча ёки асабий силкитиб ўғлига, турмуш ўртоғига бақириб-чақираётган, жазавага тушаётган оналарни, қизларни, ўзбек аёлларини тез-тез кўришимизга тўғри келаяпти. Шундай кинолар кўпайган сайин жоҳил қайноналар, сабрсиз ёшлар, сохта муҳаббат ва сохта гўзаллик ҳам кўпаяётгандек. Ҳанузгача ўқитувчи ёки шифокор ҳақида эл кўнглига ёққан сериал ололмадик. Эҳтимол, шунинг учун ҳам бугун ушбу касбларнинг нуфузи пасайиб кетаётгандир?

Бир адиб ёзганидек, юракдан чиққан сўз юракка етиб боради. Қайсидир машҳур чет эллик кинорежиссёр: "Мен пул топиш учун кино ишламайман, кино ишлаш учун пул топаман", деган экан. Бугуннинг қаҳрамони фақат кўп пул топган ёки спортда ғолиб бўлган одам эмас, балки қалб гўзаллиги билан одамларга яхшилик улаша олган инсондир. Орамизда кино қилишга арзийдиган қаҳрамонлар жуда кўп. Фақат уларни кузатиш, ўрганиш, ҳис қилиш даркор. Бор гап шу.

Сериал ва киноларимиз ҳақида танқидий фикр айтилса, айрим мутасаддилар, "ёқмаса кўрманг", дея гапни қисқа қилишади. Ахир, "ёқмайди", дея бошқа каналга буриш, бу ечим эмас-ку.

**Барно СУЛТОНОВА,**
**журналист**

*Ўткир ҲОШИМОВ*:

*Саида Зуннунова гўзал ва дардли шеърлар ёзган шоира. Саида Зуннунова теран мантиқли ҳикоялар ёзган адиба. Саида Зуннунова – вафодор аёл, пўлат иродали инсон эди...*

— — — — — — — —

**Саида ЗУННУНОВА**

# ГУЛЛАР ЮЗИДА ХАНДА



* * *

**Йўқламаган ҳар кунинг йилча бўлурми, ҳай-ҳай,**
**Шунчалик шафқат билмас дилча бўлурми, ҳай-ҳай.**

**Хуш суратинг бир нафас тарк этмас хаёлимни,**
**Кўз шаҳлою қош эса нилча бўлурми, ҳай-ҳай.**

**Ҳар сўзда юз андиша қилғум донолиғингдан,**
**Кўнглингнинг нозиклиги қилча бўлурми, ҳай-ҳай.**

**Гоҳ ханжар, гоҳ асалдек сўзларингдан доғдамен,**
**Жон олиб, жон бергувчи тилча бўлурми, ҳай-ҳай.**

**Васлингнинг умидида дунёдан ўтиб боргум,**
**Қаноатда Саида филча бўлурми, ҳай-ҳай.**

* * *

**Гуллар юзида ханда — бу боғдан ёр ўтдими,**
**Одатин қилмай канда, яна бедор ўтдими?**

**Еллар нечун сарсари, кетолмайдилар нари,**
**Кўнглимнинг моҳ пайкари кўзи хумор ўтдими?**

**Райҳонга рашк қилиб гул, бағри қон бўпти буткул,**
**Яна райҳон ҳидлаб ул, бундан такрор ўтдими?**

**Ҳар нарсада нур, виқор, ҳатто тупроқ бахтиёр,**
**Бир-бир босиб беозор, ул беозор ўтдими?**

**Дилда такрорлаб отин, тилаб умру давлатин,**
**Сояси бўлиб тағин Саида зор ўтдими?**

* * *

**Майса ниш урибди ариқ бўйида,**
**Биринчи севгидек бирам беғубор.**
**Қуёшга талпинган қиёқларида**
**Биринчи севгининг соддалиги бор.**

**Кўрмаган саратон офтобини еб,**
**Кузнинг тўзонларин мутлақо билмас.**
**Булут кўз ёшидан талтайиб, ишқ деб,**
**Баҳор елларига кўз тутади маст.**

**Майса ниш урибди ариқ бўйида,**
**Биринчи севгидек бирам беғубор…**

* * *

**Шеър ўқигим келар,**
**Қуйма сатрлардан**
**Юрагимга тушса жимгина ларза.**
**Мени бошлаб кетса ажиб туйғулар**
**Яшиллик югурган қир, адирларга,**
**Яланг оёғимни силаса майса.**
**Шеър ўқигим келар,**
**Чарчоқ ҳисларга**
**Сўлим ва мусаффо ҳаво пуркаса.**
**Қалбдаги бўшлиқни тўлдириб.**
**Оламни муаттар исларга,**
**Яна чаманларга буркаса.**
**Шеър ўқигим келар,**
**Нотинчликка чанқоқ,**
**Қанотли ўйларга ташна юрагим.**
**Сергак этса оҳанглар, куйлар,**
**Ўтказдириб тунларни уйғоқ,**
**Ташна лабга ўхшар юрагим.**
**Шеър ўқигим келар…**

* * *

**Анҳор лабида жуфт-жуфт соялар,**
**Жилмайиб ўтаман кўз қирин ташлаб.**
**Гоҳ хаёл қурмагур олиб кетади,**
**Баҳона топгандай ёшликка бошлаб.**

**Йўқ-йўқ, мен турмадим ойдин тунларда,**
**Сувлар ёқасида ишқ ўтида маст.**
**Мен бундай дамларни йўлга термулиб,**
**Интизор ўтказдим ҳар он, ҳар нафас.**

**Ёшлигим, умримни, ҳаловатимни**
**Мардона топшириб вафо қўлига,**
**Ойларни, йилларни минутлаб санаб,**
**Туну кун қарадим ёрнинг йўлига.**

**Ҳали бегонайдик ажралишганда,**
**Кўришдик жуда ҳам қадрдон, иноқ.**
**Юлиб олса ҳамки ҳижрон ёр васлин,**
**Қилиб кетган экан унга яқинроқ.**

# СЕҲРЛИДИР СЎЗ ИЧРА ТУЙҒУ

## АДИБЛАР ХИЁБОНИДА

**Навоий ҳайкали**
**пурвиқор, ўктам,**
**Асрлар кечмишин айларкан таҳлил:**
**Ҳамон тушунмасмиз уни, дўстгинам,**
**Сабр не,**
**не мақсуд,**
**не юрту не дил...**
**Бобур жаҳонгашта –**
**интизор юрак,**
**Дунё кенглигидан сўзларкан, зотан,**
**Майда ташвишлардан жонимиз ҳалак,**
**Афсус, англолмасмиз не қадр Ватан!**
**Бунда сабоқ бордир,**
**мангу бир сабоқ,**
**Бунда жонланади ўтган лаҳзалар.**
**Ҳаттоки тошлар ҳам сўзлагай, бироқ**
**Бахт шулким, ундан бир маъно топсалар.**
**Лаҳзада неча юз йилдан ўтарсан,**
**Қадим ҳикматлардан шуурда ҳайрат.**
**Гоҳо хаёлларга сингиб кетарсан,**
**Гоҳ ҳамроҳ Муқимий,**
**гоҳида Фурқат.**
**Бунда сеҳрлидир сўз ичра туйғу,**
**Бунда илоҳий нур, руҳлар кезадир.**
**Бу бир салтанатдир —**
**кўҳна ва мангу,**
**Бунда қалб ўзини боқий сезадир.**

## ТОШБУ ҚЎЛЛАРИ

**Қилич тутган Тўмариснинг**
**Кафтдаги қадоғи ҳам,**
**Кетмон чопган деҳқон қизнинг**
**Қўлдаги титроғи ҳам,**
**Адирларда изи қолган**
**Чўпон қиз таёғи ҳам,**
**Эри жангда, ўзи қолган**
**Келинлар ғам тоғи ҳам;**

**Саратоннинг ҳийласидан**
**Қора даштнинг қизи ҳам,**
**Қиш қаҳратон чилласидан**
**Ёриқ қўл, қон изи ҳам,**
**Ипак қурти боққан аёл**
**Эгнидаги бўзи ҳам,**
**Овутгувчи таскин, хаёл –**
**Сабр айтган сўзи ҳам;**

**Қўлин совуқ сувга урмас**
**Оқбилак таннозлар ҳам,**
**Кун кўрмас юз, ранги чиқмас –**
**Бор-йўғи пардозлар ҳам,**
**Кузу аёз не, билмаган,**
**Умри бирдай ёзлар ҳам,**
**На уй, на фарзанд қилмаган**
**Чалинмаган созлар ҳам...**

**Кўз олдимдан ўтди бир-бир,**
**Ўртанди юрак-бағрим,**
**Жавоби йўқ савол охир**
**Уйғотди меҳрим, қаҳрим:**
**Мисоли қилгандай ханда**
**Матонат, меҳнат гули –**
**Дуога очилган дамда**
**Тошбунинг қадоқ қўли!**

## ХАЁЛИМ ТОП-ТОЗА

**Хаёлим топ-тоза, хаёлим тиниқ –**
**Оқ кабутар учган зангор самодан.**
**Борлиғимда гулхан, ёқимли, ёниқ,**
**Қор ифори келар тоза ҳаводан.**

**Кумуш қор товланар, ёнар офтобдай,**
**Олис тоғ келмаса яқин бунчалар!**
**Менга пешвоз чиқар интиқ моҳтобдай**
**Бошига оқ рўмол ташлаб арчалар.**

**Хаёлим топ-тоза, хаёлим тиниқ...**

## ҲАЙРОНЛИК

**Боғлар чаман бўлди, ҳар ён гулчечак,**
**Осмондан тож каби тушди зарпечак,**
**Олтинранг, товланиб эшилганидан**
**Билмаганлар гул деб ўйлади бешак.**
**Табиат ҳукмидан бўламан ҳайрон:**
**Зарпечак заҳридан чаманзор хазон,**
**Гул, гиёҳ тупроқдан кўкариб чиқса,**
**Нега осмонлардан тушар бу илон?!**

## УНУТИШ

**Тоғларнинг кўксида эримади қор,**
**Булутни поралаб учмади бургут,**
**Қишдан сўнг қайтмади боғларга баҳор,**
**Билмадим,**
**Ненидир этдимми унут?!**

**Қумсоат тиқилиб қолган – вақт ўтмас,**
**Ёмғир ёғмас, ғафлат босган, ҳаво дим.**
**Чақмоқ тиғи туннинг кўксига ботмас –**
**Ҳаёт – курашлигин унутган эдим.**

## ХАЛҚОНА

**Сабрим косаси чил-чил,**
**Қолмади тоқатим ҳеч –**
**Қудуқ – кўзага бедил,**
**Ҳасрат қиламан ҳар кеч.**

**Бордим ёрнинг қошига,**
**Кўзларига тик боқдим.**
**Юзларию сочига**
**Сўздан инжулар тақдим.**

**Сўзим сўзана бўлди,**
**Оҳим етди фалакка –**
**Уялиб, аста кулди:**
**Дарвиш ёқди малакка!**

## ТИКЛАНИШ

**Дарахтга айланган пайванди куртак,**
**Обод бўлсанг керак, шод бўлсанг керак,**
**Нурдан ёноғинг ол, меваларинг бол,**
**Аммо томиринг ким?**
**Билмайсан бешак!**

**Табиат қонуни шафқатсиз бироқ:**
**Пойингда ниҳоллар ёзмоқда япроқ,**
**Улар асл, ўсиб чиққан томирдан –**
**Томирни қалбига яширган тупроқ.**

## ГОҲО...

**Жонга тегса шаҳар шовқини,**
**Сур улфатдан бўлганда безор,**
**Оломонлар ичра бир куни**
**Ёлғиз сезсанг ўзингни, бедор,**
**Соғинсанг гар, кетмоқ истасанг,**
**Болаликка, она қишлоққа,**
**Тополмасанг, имкон изласанг,**
**Ночор боқсанг йироқ-йироққа...**
**Кўз ўнгингдан ўтганда бир-бир –**
**Олис тоғлар, саҳро, ёбонлар.**
**Ёдга тушар онанг, барибир,**
**Қулагудек бўлиб осмонлар.**
**Вужудингни тарк этгандай жон,**
**Хира тортса юракнинг чўғи,**
**Тор кулбангга кир-да, қадрдон,**
**Миртемирнинг шеърларин ўқи!**

## САБР

**Уруғ юз йил мудради, юз йил**
**Она тупроқ бағрида ташна,**
**Мисли тоғнинг остидаги сир,**
**Сукунатга бўлгандай ошно.**

**ҲУМОЮН**



**Юз йил кўкдан ёғмади ёмғир,**
**Юз йил хабар олмади дарё...**
**Мовий денгиз ўрнида тақир,**
**Юз йил карвон кўрмади саҳро.**

**Наҳот, елди халоскор шамол,**
**Ёмғир ёғди – ҳаёт қўшиғи.**
**Уруғ кўзу юз очди алҳол,**
**Кўкка боқди офтоб ошиғи.**

**Қуёш сари интилар ниҳол,**
**Шиддатида юз йиллик армон,**
**Ҳиддатида юз йиллик савол,**
**Ботинида юз йиллик бўстон!**

## ҚАНДАЙ ЯХШИ

**Қандай яхши,**
**тонгда юзга ниқоб тутмай,**
**Ишга борсанг,**
**қўл узатсанг барчасига.**
**Оқшом яёв қайтсанг,**
**аста четлаб ўтмай,**
**Чойхонага –**
**қадрдонлар даврасига.**

**Дилда ҳадик-гумонларсиз**
**улфати чор,**
**Гурунглашсанг,**
**бу – ҳаётнинг гўзал нақши.**
**Ғаниматдай бўлиб қолди,**
**ҳатто дийдор,**
**Эй дўстларим,**
**омонлик ҳам қандай яхши!**

## ОҚ САТРЛАР

**Аста шохга қўнди лайлак қор,**
**Энди учиб кетмайди асло.**
**Лайлакларни кутар интизор...**
**Оппоқ қушлар қайтганда аммо –**
**Ранги сингиб кетар самода,**
**Соғинчлар айланар кўз ёшга.**
**Ахир, бу бевафо дунёда**
**Лайлаклар парвона қуёшга.**




**Суратда:** *Шоирлар Усмон Азим ва Шавкат Раҳмон (1980 йиллар охири).*

**Донохол АСРОРОВА**

# КАМПИРЛАР ГАШТАГИ

ҲИКОЯ



Онам тенгқурлари орасида анча тетик, ёши олтмишдан ошиб қолган бўлса-да, тишлари садафдек ялтираб туради. Ўзи зиёли, ўқимишли. Шунинг учун бўлса керак, дугоналари сира исмини айтишмайди, доим “Тетигул” деб чақиришади. Яна бир дугонасининг исми Қорақош хола. Холанинг асли исми Ҳалима эканини кўпчилик унутиб ҳам юборган. Етмишдан ошган бўлса ҳам момонинг сочига оқ оралмаган, қошлари ҳам қоп-қора. Бу унинг ўзига сира ёқмайди, бехосият, дейди. Ҳатто бир куни сутош пишириб, қўни-қўшниларга узатиб, дастурхон ёзди. Зора, сочимга оқ оралаcа, деди.

Айтгандай, кампирларнинг гаштагидаги олди-бердини онам олиб боради. Бир куни қизиқиб сўрадим:

– Она, гаштагингизда қанча пул йиғилади?

– Вой, болам, гаштак пули от билан туя бўлармиди, бизга бир кило гўштнинг пули етади, – деганди.

Онамнинг тили билан айтганда, биродар – дугоналари саноқли қолибди, санаса саккизта чиқмайди. Барно холанинг қулоғи эшитмайди, Ҳалима холанинг кўзи хиралашиб қолган, Қорақош хола ҳасса таёқда зўрға юради.

Ортиқ кутишга сабрим чидамасдан бир кило гўшт пулини чўнтагимга солдим-да, тўғри Хадича холанинг уйига бостириб бордим.

Хадича холанинг мўъжазгина уйида, хона ўртасидаги хонтахтада дастурхон тузалган, атрофида тўртта кампир ёнбошлаб мизғиб ётишибди. Иккитаси энди пинакка кетган эканми, менинг овозимдан чўчиб бошини кўтаришди. Салом-аликдан сўнг уларнинг биридан сўрадим:

– Хола, гаштакда нима ҳақида гаплашасизлар ўзи?

– Бизми, биз кампирлар бобойлар ҳақида гаплашамиз.

Ҳаммаси хохолаб кулиб юборди.

– Эй, болам, – деди Маъсуда хола. – Биз бир-биримизни тез-тез кўриб туриш учун, ҳолимиздан хабардор бўлишу тўртта ҳангама учун ўтирамиз. Дийдорлашамиз, бировнинг ғийбатини қилмаймиз.

– Келинларни-чи, келинларнинг ғийбатидан олмайсизларми?

– Йўқ, йўқ.

Кампирларнинг нима учун гаштакда ўтиришларини онам мисолида яхши биламан. Улар ўғиллари олиб берган кийимини кўрсатиб қўйиш учун гаштакка кийиб боришади. Қизлари, келинлари совға қилган янги рўмолини бошига ташлаб олишади. Агар улар олиб беришмаса, ўзларининг нафақасига сотиб олишади-да: “Ўғлим байрамга совға қилди, қизим туғилган кунимга юборибди”, деб бир-бирига кўз-кўз қилишади.

Ҳаммасидан кўра уларнинг қўл телефони тутишини айтмайсизми. Бирининг кўзи ўтмайди, бирининг қулоғи эшитмайди, лекин барибир “ўғли оберган”, “қизи совға қилган” телефонларини чўнтакларига солиб олишади.

Онамнинг айтишича, бу галги гаштакнинг пулини Ойдин хола оларкан. Набирасига “Бешик тўйи” қилармиш.

– Неварангизнинг ота-онаси бор-ку. Тўй қилиш сизга қолдими, – деди Хурсанд хола.

– Мен бешигини олиб бермоқчиман-да, набирам менинг ёшимга етиб юрсин, дейман.

– Ҳа, айтганингиз келсин, илоҳим.

“Бешик тўйи” Ойдин холага насиб қилмади. Набирасининг ота-онаси йиғиб-териб, тўй қиламан дегунича хола оламдан ўтиб қолди.

Холанинг ҳурмати учун бир ой гаштак ўтказилмади. Охирги маъракасидан кейин холанинг келини гаштакчи кампирларга бир кило гўштнинг пулини олиб чиқди. Аммо ҳеч ким олмади: “Биз розимиз”, деб қайтариб беришди.

Гаштакнинг иккинчи навбатини Хадича хола олди. У киши яхши кунларига ишлатди.

Учинчи гаштакни Хосият холага беришди.

Тўртинчи гаштак пули Хурсанд холага тақдир қилмади. Кампир тўшакда касал бўлиб ётмади, қон босими кўтарилиб кетиб, бир кунда бандаликни бажо келтирди.

Кампирлар бу гал ҳам берган пулларига рози бўлишди.

Холанинг маърака-маросимларидан сўнг гаштак яна давом этди. Қолган бешта кампирнинг тўрттаси гаштакка келишди. Бу гал Қорақош хола келмади. Оғир бетоб экан. Гаштакнинг эртаси куни уни касалхонага ётқизишибди.

Бу гал, холанинг тоби қочгач, гаштак тўхтаб қолди. Онамнинг навбати эди. Мен онамнинг гаштагини ўтказиб бермоқчи эдим. Аммо онам бунга сира рози бўлмади.

– Майли, болам. Мен бир кило гўшт емасам ҳам бир куним ўтади. Ҳамма берган пулларимга розиман.

Онамнинг бошқа биродарлари ҳам негадир маъюс аҳволда шу гапни айтишди.

Шу тариқа гаштак тарқаб кетди. Лекин қолган биродарлар орасидаги меҳр-оқибат йўқолмади.

# ДУНЁ ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти, ижодий мероси қарийб уч асрдан буён жаҳон олимлари томонидан мунтазам тадқиқ қилиб келинади. Ўтган йили 28 февраль куни М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети қошидаги Осиё ва Африка мамлакатларини ўрганиш институти ҳамда Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг интеллектуал мероси ва замонамиз" мавзусидаги халқаро анжуман ҳам Бобур меросининг бугунги кунда нақадар қимматли эканидан далолат берди.*

Анжуманда кўплаб хорижий мамлакатларнинг етакчи олимлари, шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси институтлари илмий ходимлари, Республикамиз олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ҳам ўз маърузалари билан иштирок этишди. Яқинда ушбу конференция материаллари салкам етти юз саҳифали илмий тўплам шаклида Москва шаҳрида нашр этилди.

Биз мазкур тўпламдан жой олган айрим хорижлик олимлар мақолалари борасида имкон доирасида тўхталиб ўтмоқчимиз. Бунга сабаб, биринчидан, хорижлик тадқиқотчиларнинг Мирзо Бобур ва бобурийлар мероси ҳақидаги қарашлари билан танишиш иштиёқи бўлса, бошқа тарафдан, уларнинг тарихий ҳодисаларга нисбатан муносабатини кузатиш муҳим туюлди. Зеро, булардан хабардорлик бобуршуносликнинг кейинги ривожига ҳам самарали таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Тўпламдан жой олган покистонлик адиб М.Бакановани нг "Бобурнинг ҳинд ерларини бирлаштирувчи сифатидаги сиёсий роли" мақоласи қизиқарли фактларга бойлиги билан ажралиб туради. Муаллиф Мирзо Бобурнинг Ҳиндистонни забт этганидан кейин олиб борган сиёсий, ҳарбий, ижтимоий фаолияти хусусида атрофлича тўхталиб, Бобур ғоят қисқа давр ичида (1526-1530) мамлакатда катта ислоҳотлар ўтказгани ва бу ўзгаришлар халқ ҳаётини яхшилашда, давлат сиёсатини барқарор ушлаб туришда ижобий натижалар берганини кўплаб далиллар билан кўрсатган.

Муаллиф Бобур кўпмиллатли мамлакатда диний конфессиялараро барқарор вазиятни ярата олгани ва бу Бобурийлар салтанатининг узоқ давр мобайнида ҳукмронлигига мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилганини асослайди. Албатта, бу каби масалалар аввал ҳам фанда олимлар томонидан атрофлича ўрганилиб, маълум хулосаларга келинган. Бироқ покистонлик муаллиф мавзуга алоқадор хорижда чоп этилган янги тадқиқотлар рўйхатини келтирадики, улардан хабардорлик бобуршуносликнинг кейинги ривожига самарали таъсир кўрсатади.

Фалсафа фанлари доктори А.С.Тимошукнинг "Бобур ва турк давлатчилигининг глобал аҳамияти" мақоласида Бобурийлар салтанатининг Ҳиндистонда ҳукмронлиги, уларнинг давлат бошқарув тизими ҳамда унинг Осиё давлатчилик тарихида тутган мавқеига доир қизиқарли маълумотлар келтирилган. Муаллиф турк давлатчилик тарихида бобурийлар империясининг тутган ўрнига ва бу, айниқса, Бобурнинг набираси Акбаршоҳ (1542-1605) даврида ўзининг юксак чўққисига кўтарилганига диққат қаратган. Шунингдек, бобурийлар сулоласи вакилларининг ҳаётсеварлиги, янгиликка ниҳоятда ўчлиги каби фазилатлари ҳақида қизиқарли мисолларни келтирган.

Фалсафа фанлари доктори Н.Т.Нуриллахўжаеванинг мақоласи бобурийлар сулоласи тарихини тадқиқ этган ғарблик олимларнинг тадқиқотлари ҳақида бўлиб, шарҳ шаклида ёзилган ва унда кўплаб эътиборга молик фикр-мулоҳазалар айтилган. Бироқ негадир собиқ иттифоқ даврида олиб борилган тадқиқотлар, жумладан, ўтган асрнинг эллигинчи йиллари нашр этилган ҳиндшунос К.А.Антонованинг (1910-2007) Акбаршоҳ даврига оид йирик монографияси эътибордан четда қолган.

М.А. Сафаров мақоласида таъкидланганидек, таниқли этнограф олима С.С.Губаеванинг "Бобурнома" матнига асосланиб олиб борган тадқиқотлари бобуршуносликка муносиб ҳисса бўлиб қўшилган. Мақола муаллифининг С.Губаева билан суҳбати давомида олима ўз устози таниқли этнограф Билқис Кармишева (1916-2000) ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашган ҳамда бугунги кунда этнография йўналишида республикамизда чоп қилинаётган тадқиқотларга муносабат билдирган. Мақоладан "сарт" атамасининг тарихан лексик-семантик хусусиятига доир қизиқарли мулоҳазалар ҳам ўрин олган.

Тўпламдан жой олган мақолалар рус, ўзбек, инглиз ва турк тилларида бўлиб, русийзабон ўқувчилар учун эса рус тилида кичик аннотация ҳам берилган. Аксарият мақолаларда Мирзо Бобур лирикаси ҳамда "Бобурнома" ҳақида кенг ўқувчилар оммасига қизиқарли маълумотлар тақдим қилинган. Баъзи муаллифлар иккита мақола билан ҳам иштирок этганлар ва бунда Республикамиз олий ўқув юрти ўқитувчилари жонбозлик кўрсатишган. Шунингдек, айрим мақолаларда матбаа хатолар ҳам учрайди. Чамаси, матн муаллифлар томонидан синчиклаб кўриб чиқилмаган. Бу, албатта, тўпламнинг умумий савиясига соя сололмайди. Шу ўринда ташкилий ишларда фаоллик кўрсатган, тўпламнинг масъул муҳаррири тарих фанлари номзоди Дарья Жигулскаянинг хизматларини алоҳида эътироф қилмоқ жоиз.

Биз тўпламдан жой олган баъзи мақолаларга қисқача тўхталиб ўтдик. Мирзо Бобурга бағишланган ушбу китоб Россияда илк марта чоп қилинган илмий мақолалар мажмуидир ва биз бу хайрли ишни барқарор ҳамда бардавом бўлишини истаймиз. Шу билан бирга, жонажон Ватанимиз бобуршуносликнинг маркази экан, мазкур йўналишдаги тадқиқотлардан хабардор бўлиш, уларга ўрни билан муносабат билдириб бориш яратилажак илмий тадқиқотларнинг савиясини кўтаришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Яна бир мулоҳаза. Тўпламдаги рус тилида битилган мақолаларнинг аксариятида муаллифлар "Бобурнома"га мурожаат қилганда ватандошимиз таниқли таржимон, шарқшунос М.А.Сальенинг (1899-1961) рус тилига ўгирган таржимасидан фойдаланишган. Ушбу китобнинг сўнгги нашрига ҳам ўттиз йил тўлди ҳисоб. Айни кунда бобуршуносликнинг кейинги ютуқларига таянган ҳолда унинг тузатилган, тўлдирилган нашрига эҳтиёж бор деб ўйлаймиз.



*Бобур Ҳиротда – Султон Ҳусайн хонадонида.*

**Абдурасул ЭШОНБОБОЕВ,**
**Алишер Навоий номидаги**
**давлат адабиёт музейи**
**илмий ходими**

---

# ШОҲНИНГ ШОИРОНА МАКТУБЛАРИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Инсон қисмати, кечмиш илк ўйлаганимиздан теранроқ жараёндир. Қисмат оғирчилиги, қарама-қаршиликлар, ёрдан, диёрдан айро тушишлар қанчалик йўқотиш бўлмасин, ундан кўпроқ инъом-эҳсони ҳам бордек. Одамнинг асл инсонийлигини асраб қоладиган, кўргуликларни гўзаллаштириб кўрсатадиган соғинч туйғусини кишига ҳамроҳ этади. Одам бировни соғинмасдан, истагани тўкин бўлиб ҳам бутун умрини бой бериб қўйиши мумкин. Бобур шеъри соғинч қонидан рангин. Балки унинг шеърига шунинг учун ҳам кўп мурожаат қилинар.

Истак, ўгит, қисмат, табиат манзараси билан одамнинг одамга яқинлиги, ҳаёт зиддияти ва эртани жасурона кўра билишнинг Бобурона таронаси маст қилиб ҳушёр этади.

Бобурнинг уч ёки тўрт оламни ёнма-ён қўйиб солиштириши, қиёслаши, шоирона ва донишмандона, реал ва серташбеҳ ғазаллари ўқувчида ҳам ўшандек нигоҳни пайдо қилади, лаҳзали бўлса ҳам дилкаш кайфиятни уйғотади. Бу ҳолатга шеърхон ошиқиб киради:

**Ёз фасли (1), ёр васли (2), дўстларнинг суҳбати (3),**
**Шеър баҳси (1), ишқ дарди (2), боданинг кайфияти (3).**

Энди ана шу учликнинг ҳаёт ҳаракати ҳикоя каби тадрижий давом этар экан, руҳиятидаги асосий иккилик, икки деталь, икки қирра ёр васли (1) – ишқ дарди(2)нинг ҳикмати ҳар бир ўқувчига кескин таъсир этади, умрнинг барокотини, тилсимини очади. Одам бошига не кунлар тушмасин, ана шу байт оламида истиқомат қилиш ҳузури ҳеч нарсага алишмасдир. Бобурдаги улуғ иқтидор бу лаҳзанинг ҳудудини замонлар қадар кенгайтириб юборади, бу ташбиҳ эмас, ҳақиқат эканлигига иймон келтирасиз:

**Ишқ дардини чекиб ҳар кимки топса васли ёр,**
**Ул замон бўлғай унут, юз йилғи ҳижрон шиддати.**

Бобурдаги камтаринлик, хокисорлик унинг шоҳлигига ярашади:

**Шукр, Бобурни билурмен, деган эрмиш ул ой,**
**Ложарам, бандаларин шоҳлари билса керак.**

Шоирнинг фикрлари гоҳи кескин, кескир, бу унинг сўзи билан якдиллиги исботи. Шунинг учун бу мўъжаз, кўпинча беш байтдан ортмайдиган ғазалларнинг икки мисрасини бутун умрга дастуру амал қилиб яшагиси келади кишининг.

**Ўзни, кўнгил, айш ила тутмоқ керак,**
**Бизни унутқонни унутмоқ керак.**

Рости, хотиржам, дарди хотиридан кўтарилган ақл бундай қилмаслик керак, дейди. Лекин юрак шундай йўл тутади. Чунки юракнинг хоҳишида адолат туйғуси, тенглик ҳуқуқи кучлироқ...

Умр беҳуда ўтаяпти, деб кўп айтилади. Амал камлиги учун бу эзғин фикр ҳам беҳуда. Шу вақт оралиғи ҳам ғанимат ва омонат эканлиги англанмай қолинади. Чингиз Айтматов бир қаҳрамони тилидан айтадики: вақт сарфлаш учун берилади. Бобур ҳам шу даражада мардона, ҳатто оммавий тарзда қандай яшаш тарзини ҳеч андиша қилмай таклиф қилади:

**Ҳар нимага ғам ема — ғам кўптурур,**
**Айш била ўзни овутмоқ керак.**

Аммо унинг сўзлари даъватини ҳар ким тарбия ва таълими даражасида тушунади ва фойда кўради.

**Не фикреким санинг фикринг эмас ул фикр ботил,**
**Не умреким ўтар сенсиз эрур ул умр беҳосил.**

"Айш билан ўзни овутмоқ" билан "не умреким ўтар сенсиз", сиртдан қараганда, сидирғасига ўқилганда бир-бирининг тескарисидек, Бобур ўзи билан ўзи зиддиятга бораётганга ўхшайди, эҳтимол, лекин асл маънода, асосда бу байтлар икки исми бир яхлитлик, бир маконнинг икки томони. Бобур оламни яхлит кўради. Жисмоният билан руҳониятни рақиб ҳисобламайди, эҳтимол ҳақдорлигининг минг бир ажибликларини тадқиқ этади. Булар шунчалик узоқлик ва шунчалик яқинликларки, ҳамиша ҳам пайқайвермаймиз.

Бобурнинг ўта ҳаётсеварлиги ўқувчини тўлқинлантиради. Уни эзиб турган ҳамишаги майда ташвиш ва ғамни елкасидан улоқтиради. Ўтказиб бўлмайдиган лаҳза ва манзилларни ҳеч бўлмаса кўнглимизда тиклаб, яшаш ва яшариш ҳайрати билан умрни зийнатлайди, мазмунли қилади.

**Баҳор айёмидур дағи йигитликнинг авонидур,**
**Кетур соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.**

Бобур инсонни табиат гўзаллигининг авж галереясига қўйиб тасвирлаганида, вақтнинг қиммати, умрнинг шиддатли баҳоси шунчалик ошадики, одам ва олам олдидаги қарз ва мажбуриятингиз эсингизга тушиб қолади. На ўзга, на ўзгага эътибор қилибсиз. На ўзингизнинг қадрингизни, на ўзганинг қадрини билибсиз...

Бобур инсон даражаси улуғлиги, сифати олийлигини билдириш учун абадий яшовчан қиёсларни келтиради:

**Баҳору боғ сайрин не қилайким, дилситонимнинг**
**Юзи гул, зулфи сунбул, қомати сарви хиромондур.**

Инсон ва табиат қиёсида топилган гўзаллик мантиғида ҳайратдан кўра тафаккурнинг тоши оғир келади. Худди шундай ҳаёт ва хаёл, истак ва амал, шиор ва ҳақиқатнинг ташбеҳдаги ифодаси, қарама-қаршиликдаги ривожи Бобур шеъриятида даъвосиз маърифатлантирмоқ бўлиб чиқади. У қанчалик реал, чин бўлса, ундан ҳам юксакроқ ботиний, асл, илоҳий ҳаётни соғинишдир. Мана унинг девонида охирдан битта олдин жой олган ғазалининг мақтаъси:

**Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,**
**Ким кўрибтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.**

Бу байтнинг зоҳиридан ҳам кўра ботинини ўқиш ва уқиш керак. Унинг қатлари тафаккур секинлиги билан очиладию бирдан бутун умр пучмоқларини ёритиб юборади.

Бобурнинг рубоийларида эса яна ҳам лўндалик ва теранлик мужассам. Дейлик, ушбу рубоийда вақтнинг қадри донишмандларча кўрсатила олинган:

**Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутингиз,**
**Жамъиятингиз борини давлат тутингиз.**
**Чун гардиши чарх будурур, Тенгри учун,**
**Бир-бирни неча куне ғанимат тутингиз.**

Бобурга, ана шу дарбадарликда шоҳликни раво кўриб, қисмат қарашгандай туюлади менга. У ҳар бир кескин фикрини айтишда бу озодликда, бу юксак мартабада ҳеч бир монелик, қаршилик кўрмади ва шунинг учун ҳам унинг шеърияти ҳамма замонларнинг хақ сўзи бўлиб жаранглашида ўзи учун имкон топди. Мусофирликда киши қалби ҳалимлашади. Улкан оламда ҳеч ким эмаслиги, омонат ва ғаниматлиги, замонда заррача қадри йўқлигини англаш эса киши кўнглига кўп нарса беради.

Бобурнинг самимияти шунчаликки, унинг зор уриши ҳам, фахр қилиши ҳам ўқувчи кўнглига ёқади, шу билан унга ҳавас қилса арзийдиган баланд мезонни ҳам кўрсатади:

**Юз шукрки, Бобур киби ошиқликда,**
**Ҳар неки тилаб эдим, муяссар бўлди.**

Ожизона кузатишимча, мумтоз шеъриятимиздагидек драматизм, динамик тарзда бирдан портлайдиган ҳолат дунёнинг бошқа ҳеч бир назмида бўлмаса керак. Ҳар мисрада ташбеҳ билан ўзини чўққида намоён қилган фикр шу ҳадди аълосида, навбати билан ривожланиб боради-да, дейлик тўрт қаторда, бутун бир эпопеяга сиғмас ҳаётни, уммон теранлигича тафаккурни ўқувчига тақдим қилади. Унда изҳор ҳам, тавба ҳам, дуо ҳам мужассам бўлади:

**Руҳим яратиб эдинг латофат бирла,**
**Қилдинг анга танни ҳамроҳ офат бирла,**
**Руҳимни чу тан эвига келтурдинг пок,**
**Мундин бори элитма касофат бирла.**

Бобурнинг мисраларида шахсий дардлар ижтимоийликни тўлдиради, ҳисни ўстириб, руҳни софлайди, ақлни-да янги ва азалий фикри билан пешлайди. Ўз-ўзидан ёд бўлиб кетган рубоийларнинг эсимдан чиқмаслиги Бобурнинг шеърий санъаткорлигидан ташқари, ҳар куни шу ҳолни бошимдан кечираверишимдан бўлса керак ҳам деб ўйлайман.

**Бедард ҳабиб билмади дардимни,**
**Туфроқча кўрмади руҳи зардимни,**
**Мендан неча кўнглида ғубори бўлғай,**
**Кетдим муна, энди топмағай гардимни.**

Одам кўпинча ҳамфикр ё бир мағлубиятга таскин, бир адолатсиз муносабатга адолатли жавоб излайди. Одамнинг ҳақиқати нисбий бўлса ҳам яшаш учун унга далда, умид керак. Бобур шеърияти ана шу далда. У шу далда билан ўзи қанчалик машаққатлар ортида рўшнолик кўрган, ғолиб бўлганидек, ўқувчининг ҳам келажакка ишончини оширади.

Бобур сохта юмшоқлик, ёлғондакам кенгфеъл бўлишдан ҳазар қилади. Унинг гоҳи очиқча қарғишлари ўқувчининг-да манглайидан хижолат терини оқдиради. Ёмонликни, хиёнатни лаънатлашига илон-да пўст ташлайди.

**Эйким, ясабон юзингни хуршид эттинг,**
**Фурқат аламини менга жовид эттинг,**
**Мен сени дедим, сен ўзгани қилдинг ёд,**
**Навмид ўлғил, чун мени навмид эттинг.**

Бобурнинг ўзини тафтиш этиши, тергаши, маломат қилишида ҳам дунё ижодкорларининг ўндан тўққизи етолмайдиган бир ҳайратланарли олий мақом, шоҳлик бор. Менга унинг қуйидаги рубоийсида Л.Толстойнинг "Иқрорнома"сидан кўпроқ жиҳатлар жамлангандай кўринади. Ўрталикда қолиб бунчалик ўртаниш, тараддуд, иккиланиш, гумон, гуноҳ, тавба. Минг бир қиёфада, шунга яраша воқеаю шу ҳолатларда қалбнинг титрашлари:

**Не ишрату айш учун майи ноб манга,**
**Не тоат учун гўшайи меҳроб манга,**
**На фисқ қилурға бордир асбоб манга,**
**Не зоҳид ўлурға тоқати тоб манға.**

Аммо шу қадар одамзоднинг чеку чегарасиз орзу-ҳаваси бу шеъриятда кўтаринки бир руҳиятда ривоятлар айтаверадики, эҳтимол буларнинг кўпи киноявий тарзда кўз очган бўлса-да, кўнгилнинг яраларига малҳам бўлади, йиқилиб ётган инсонни ўрнидан туришга куч беради.

**Дунё бариси манга мусаххар бўлса,**
**Уқбода дағи Худой ёвар бўлса,**
**Будир тилагим икки жаҳонда Ҳақдин,**
**Ҳар не тиласам, бари муяссар бўлса.**

**Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ**

---

# ҲАЁТИЙ ҲИКМАТЛАР

Заҳириддин Муҳаммад Бобур деганда кўз олдимизда ўзбек адабиётининг Алишер Навоийдан кейинги буюк намояндаси гавдаланади. Зеро, машҳур муаррих Мирзо Ҳайдар таъбири билан айтганда: "Туркий шеърни Амир Алишердан сўнг ҳеч ким Бобур даражасида ёзган эмас". Бобур Навоий томонидан мавқеи тайин этилган ўзбек шеъриятини халқона заминга кўчирди, уни оддий халққа яқинлаштирди, ўзининг асарлари мисолида адабиётнинг халқчиллиги масаласини кун тартибига қатъий қилиб қўйди.

Бобур ўз асарларининг мавзусини асосан ҳаётдан олди. Шоир асарларининг ҳайратланарли даражада ҳаётийлиги, кўнгилга яқинлиги, туйғуларининг табиий ва самимийлиги шундан. Улуғ салафларига эргашиб ёзган баъзи бир анъанавий шеърларини ҳисобга олмаганда, у асосан ўзи кўрган-билган, қалбидан ўтказган, ўзини тўлқинлантирган кечинмалар ҳақида ёзади. Юрагини дастурхон каби ўқувчи олдига ёзади: ҳеч нарсани яширмай, кўнглида борини тўкади.

Бобур шеърларининг ҳаётийлиги уларнинг ижодхонада эмас, балки ҳаёт қозонининг ичида туриб ижод қилганлигидадир. Турмушнинг бутун аччиқ-чучугини тотган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган Бобурнинг кўпгина байтлари ҳикматдай жаранглайди. У атай насиҳат қилмайди, бу унинг ҳаётий кузатишлари ва хулосаларидан келиб чиқади. Чунончи, яхшилик қилиш, яхши ном қолдириш – мумтоз адабиётда кенг куйланиб келинган энг асосий мавзулардан ки, Бобурнинг ҳам машҳур ғазалларидан бири шу ҳақида:

**Бори элга яхшилиғ қилғилки,**
**мундин яхши йўқ –**
**Ким, дегайлар даҳр аро қолди**
**фалондин яхшилиғ!**

Бунга ҳамоҳанг фикрларни "Бобурнома"да ҳам учратамиз: "Ғаразким, бу дунёда кишидин ушмундоғ нималар қолур, ҳар ким ақлдин баҳравар бўлса, нега андоғ ҳаракатга иқдом қилғайким, андин сўнг ёмон дегайлар ва ҳар кишига ҳушдин асаре бўлса, нега андоғ амрга иқдом ва эҳтимом қилмағайким, қилғондин сўнг мустаҳсан дегайлар". Шундан кейин ҳикмат аҳлининг: "Шуҳрат билан ёдланишни ҳакимлар иккинчи умр демишлар", деган сўзларини келтиради. Бобурнинг ўзи ҳам барча эзгу фазилатларнинг соҳиби эди. Ҳасанхожа Нисорийнинг ёзишича: "Кимки жаҳонпаноҳ даргоҳига илтижо қилган бўлса, подшоҳнинг инъомидан баҳраманд бўлди ва фазл дастурхони неъматидан қуруқ қолмади. Дарё мисол қўли билан саховат оламига эркинлик берди".

Ҳиндистонни олиб, ҳинд подшоҳларининг бой хазинасини қўлга киритганида-ку, нафақат жангда қатнашганлар, қатнашмаганларни ҳам турли эҳсонлар билан сийлайди; Самарқанд, Хуросон, Қашқар ва Ироқдаги қариндош-уруғларига совға-саломлар йўллайди; Самарқанд ва Хуросондаги машҳур шайхларга, ҳатто Макка ва Мадинага назр-ниёзлар юборади. Ҳар тарафга чопарлар жўнатиб, қариндош-уруғлари, ота-боболарига хизмат қилганлар, умуман, Амир Темур ва Чингизхон авлодидан бўлган барча кишиларни ҳузурига даъват этади. Худо бизга улуғ Ҳиндистон мамлакатини ато қилди, келинглар, то бу давлатни биргаликда бошқарайлик, дейди. Чунки у жаҳонда фақат яхшилик пойдорлигига, одам боласидан фақат яхшилик қолишига ишонган. Шунинг учун ҳам барча элга яхшилик қилки, шундан яхши нарса йўқ, токи дунёда фалон кишидан яхшилик қолди, деб эл эслаб юрсин, деган ақида билан яшаган.

Бобурнинг ақидаси ва ҳаётий тажрибасига кўра ҳар ким қилмишидан топади: яхши одам ёмонлик кўриши мумкин эмас, ёмон кимсага эса яхшилик ҳайф; худди шундай вафо қилган вафо кўради, жафо қилган жафо. Бу фикрлар унинг шеърий ҳикмат даражасига кўтарилган қуйидаги рубоийсида ўзининг ёрқин ифодасини топган:

**Ҳар кимки вафо қилса,**
**вафо топқусидир,**
**Ҳар кимки жафо қилса,**
**жафо топқусидир.**
**Яхши киши кўрмагай**
**ёмонлиқ ҳаргиз,**
**Ҳар кимки ёмон бўлса,**
**жазо топқусидир.**

Бобурни ўқувчи ўзининг яқин ҳамсуҳбати, сирдошидай қабул қилади. Чунки Бобур ўқувчи билан ўзини тенг тутиб гапиради. Бундай очиқлик, самимият шоирни ўқувчига яқинлаштиради, уларни ўзаро қадрдон қилиб қўяди. Айтайлик, агар ўз олдингга бирор-бир мақсад қўйиб, унга етишишни тиласанг, ғафлат уйқусидан уйғон, чунки мақсадга ким бедорроқ бўлса, ўша етишади деб теран ҳаётий ҳақиқатни халқона лўнда услуб ва содда тилда таъсирчан баён қилади:

**Ғафлат уйқусидин уйғон гар**
**тилар бўлсанг мурод –**
**Ким, етар мақсадга ҳар ким бўлса**
**ул бедорроқ.**

Шу ўринда айтмоқчи эдикки, бир пайтлар ўқувчилар дафтарига Беруний, Навоий, Фурқат каби халқимизнинг улуғ фарзандлари қаторида Бобурнинг ҳам сурати берилиб, остига унинг мазкур ҳикмати ёзиб қўйиларди. Бу ўқувчиларни ўйлаш, фикрлашга даъват этиши билан ўзига хос маънавий-маърифий аҳамият касб этар эди. Яна шу анъана тикланса, яъни болаларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар турли "қўлбола юлдузча"ларнинг ҳар хил кўринишдаги гоҳ уятли, гоҳ бемаъни суратлари ўрнига буюк олимлар, адиблар, давлат арбоблари, халқ қаҳрамонларининг сурати берилиб, остига уларнинг бирор машҳур ҳикмати келтирилса, бу нарса, албатта, ўзининг ижобий хизматини ўтар эди.

Луқмони ҳакимдан: "Барча дўстлардан ҳам азиз душман қайси?" деб сўраганларида, у "Нафс", деб жавоб берган экан. Чунки нафсу шаҳват шундай кучли душманки, сендекларнинг қанчадан-қанчасини хору мағлуб айлагандир. Шунинг учун:

**Шаҳвату нафс қавий душмандур,**
**Минг сенингдекни забун қилғондур –**

деган Бобур унга жисм уйидаги ўғри сифатини беради, зеро, у вужудни ичдан емирадиган ички душмандир:

**Гарчи зоҳирда тўғридектур нафс,**
**Жисминг уйида ўғридектур нафс.**

Бу душманни зарарлантириш учун уни ўзингга бўйсундиришинг, жиловини қўлингга олишинг керак. Бундай инсонга бўйсунган нафсни донишмандлар нафси ҳамида, яъни гўзал нафс дейдилар. Уларнинг таълимотига кўра, нафсни ўлдириш дегани уни бутунлай маҳв этиш бўлмай, балки исломийлаштиришдир. Ислом дини эса дунёнинг барча неъматларидан меъёрида истифода этишга даъват қилиши маълум.

Бобурнинг форс-тожик тилидаги деярли барча асарлари бадиҳа тарзида қоғозга тушганига қарамай, улар Бобурга хос услуб равонлиги, фикр ёрқинлиги, мазмун теранлиги, қўлланган сўзларнинг содда ва тушунарлилиги билан ажралиб туради. Чунончи, қуйидаги фардида у бировни ранжитиш, кўнглига озор беришни қоралаб, дилозор киши агар ҳуру фаришта бўлса-да, дилимга озор етказар экан, ундан безорман, дейди:

**Он дилозоре, ки бошад**
**дар дил озорам аз ў,**
**Филмасал, ҳуру пари бошад,**
**ки безорам аз ў.**

Кўриниб турганидек, Бобур ҳикматлари турмушдан олинганлиги, кишиларнинг дили тубида ётган, тили учида турган фикру мулоҳазалар эканлиги, ҳаётий мисоллар воситасида содда услуб, барчага тушунарли оддий тилда баён қилингани билан икки карра таъсир қувватига эга. Аслида ихчамлик, лўндалик, ўткирлик, тушунарлилик ва таъсирчанлик ҳикматли сўзнинг асосий хусусиятлари бўлиб, Бобур ўз ҳикматларида бу талабларга ортиғи билан риоя қилган. Шоир қаламига мансуб мазмунан теран, бадиий баркамол ҳикматларнинг асрларни бўйлаб келгани ва бундан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаслиги сири шунда.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

# ҚАЛБГА ТУТАШ ОҲАНГЛАР

*Дўмбиранинг сеҳрли нағмаси юракни сел қилади баъзан. Гўё бахши қўлида сози билан мозийдан садо бераётгандек. Достонларда эса меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқат, қаҳрамонлик қўшиғи бор.*

Ойнаи жаҳон орқали Сафар Шайдиловнинг “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвони билан тақдирланганини эшитиб завқимга завқ, ғуруримга ғурур қўшилди. Дўмбиранинг сеҳрли оҳанглари хотира аталмиш китобнинг қайсидир саҳифаларини очиб юборгандек бўлади. Бахшининг жонли куйлашини тинглаш бошқача-да.

Ҳали бола эдим, уйимизга бахши келгани эсимда. Кечки пайт. Меҳмонхонамиз тўрида чопон-дўппили, алп келбатли бир киши бағрига дўмбирасини босиб, берилиб куй чаларди. “Қув ёғоч”дан таралаётган кўҳна наво дўмбира попукларининг “рақси”га шунчалар ҳамоҳанг эдики, ҳайрату ҳавасдан қотиб қолдим. Кунтуғмишдан завқи тошиб айтиб турибди. Отам эса она алласини тинглаётган гўдакдек кўзларини юмганча  оҳангга мос тебраниб тингларди. Мени кўрган отам хиёл имо қилди.



Мен отамнинг пинжига кирган кўйи кўзимни бахшидан узмасдим. Гўё қараб турмасам, достон ўртасидан чирт узилиб кетадигандай. Бахши томоғини қайноқ сув билан ҳўллаш учун тин олганида отам мени таништирди. Мен бахши амакининг ҳорис тингловчисига айланиб, дўмбирага термулганча туравердим. Бахши жилмайди. Менга синовчан қараб турди (кейин билсам, ўрганган экан). Сўнг: “Энди бир-эки овуз терма ҳам ойтойиқ, кейин худо жўл берса, секин уйгаям қойтайиқ”, деб отамга пайров қилиб, термани бошлади.

Бахши баёнини тинглаб турсам, менинг номим, фазилатларим ҳам термага қўшиляпти. Қиёс шунчалар тиниқ эдики, ўзимни тўхтата олмасдан кулиб юбордим. Отам ҳам баъзи жойларида қўшилиб такрорлар, мен эса катта қаҳрамонлик қилиб қўйган Бойсарининг қизидек савлат тўкиб ўтирардим.

Уйимизда меҳмон бўлган бахши Сафар Шайдилов эканлигини кейин билиб олдим. Қизиғ-а, кўпинча биз бахшилар ёши элликдан ўтиб, олтмишга қараб бораётган, отаю боболарга қурдош одам, деб тасаввур қиламиз. Сафар бахши эса отамга ука бўлгулик ёшда эди.

Шевада гапирадиганлар суҳбатида бўлган отам доимо эркалаб “Тили ширин ўзбагим” дерди. Бола ақлим мағзини чақа олмаган бу сўзлар оний лаҳзаларда бахши уйимизда меҳмон бўлган кунни эсга солади. Оддий сўзлардан чиройли жумлалар, олқишга арзирли мисралар тузиш ва уни халқнинг мулкига айлантиришнинг сирини бахшичалик биладиган одам кам бўлса керак! Бахшилар, айнан Сафар бахши бу иқтидорни қаердан олди экан?

Сафар бахши ҳам ўз-ўзидан Сафар бахши бўлиб қолмагандир? Ажойиб қочиримлару оҳангдош бу мисралар шунчаки ёд олиб айтилган байтлар эмас. Бахши бўлиш учун, аввало, тилни севиш керак.

Бундан етти-саккиз йил олдин “Ўзбекистон” телеканалида “Заковат” ўйинининг янги йил сонини томоша қилган эдим. Ўйиннинг ўртасида кўрсатув бошловчиси Абдурасул Абдуллаев “мусиқий танаффус” эълон қилди-да, даврага Сафар бахшини чақириб қолди. Ўша мен кўрган, билган Сафар бахши ҳурмат билан, азамат гавдасини одоб билан эгган кўйи билимдонлар ҳузурига салом бериб кириб келди. Дўмбирасини бағрига олиб, соф сурхонча лафз билан заковатчиларни қутлади. Кейин билимдонлар жамоасининг ҳар бирини терма билан таъриф қила кетди! Бахши билимдонларни шунчалар аниқ таъриф этар эдики, бошқа ҳар қандай илова ортиқча эди.

Ғалати, бахшилар ўз устида ишлармикан? Ахир, айтим ва терма деганлари одам қалбига селдай ёпирилиб келгувчи туғён-ку? Балки шоиртабиат ва сўзамол бўлишнинг ўзи етарлидир? Шу ўринда “Иқтидорни худо беради, устоз эса камолга етказади”, деган гап хаёлимга келади.

Тақдир ёш Сафарни Шоберди бахшидай ажойиб устозга рўпара қилди. Шоберди бахши уни кўпроқ тадбир ва тўйларга олиб юрди. “Фаросати бўлса, керагини олади, фаросати бўлмаса – ияриб-ияриб қайтиб кетади”, деб ўйлагани аниқ. Лекин Сафар “ияриб-ияриб қайтиб кетмади”. Етти йилдан кейин бутун эл-юртга танилди. Бугун ёши қирқдан ҳатлаганда номи машҳур бахшиларнинг рўйхатига қўшилди.

Яқинда қўлимга бир китоб тушиб қолди, уни варақладим. Сафар бахши Шайдилов талқинидаги “Сулувхон” достони экан. Бош кўтармай ўқиб чиқдим. Бир замонлар уйимизда дўмбирани тўлғаб-тўлғаб достон айтаётган Сафар бахшини кўргандай бўлдим.

Бахши ўзи куйлаётган воқеанинг ичига шунчалик кириб кетганки, худди Алпомиш бўлиб, кўпкарида Бойчиборни олдинга ундаб қамчилаяптию қамчилар зарбидан ўзи озорланаётгандек. Ёки бахши Бойбўри бўлиб, дилбандининг йўлида кўзлари тўрт бўлгандек қиёфада, бутун вужуди сўз бўлиб, меҳр-муҳаббат бўлиб туғилаётгандек.

Ҳақиқатан ҳам овоз ширали бўлмаса, унинг ҳеч қандай тингловчиси бўлмайди. Ўзингизни тинглагандек кўрсатарсиз, аммо хаёлларингиз сизни бошқа ўйларга элтаверади. Ўзингизни тинглашга мажбурларсиз ҳам, барибир ундан завқ туймайсиз, кўнглингиз сел бўлмайди. Узоқлашаверасиз, узоқлашаверасиз.

2019 йилда Сурхонда бўлган катта тўй яна ёдимга тушади. Эсимда, чақалоғим билан бирга эдим, баҳорнинг тафтли ҳароратими, узоқ сайр қилганимизданми, хуллас, қизалоғим инжиқлик қилиб йиғлаб қолди. Бахшиларнинг жонли ижроларини эшитмай кетаётганимга армон қилдим. Кетар чоғи бахши дўмбира нағмасини бошлаган эди. Тўхтадим. Бироз тинглашга аҳд қилиб, ўриндиқлардан бирига бориб ўтирдим. Бирпасдан сўнг қизим ором уйқуга кетганди.

Куйлаётган Сафар бахши эди... Баъзида юзида ним табассум уйғонади. Хаёлларимда меҳмонхонамиз тўрида сурхонча чопон-дўппили, алп келбатли амаки қўлидаги дўмбирани чертганча Кунтуғмишдан завқи тошиб айтиб турибди. Ёнига ёнбошлаб олган отам эса она алласини тинглаётган гўдакдек кўзларини юмганча  оҳангга мос тебраниб тинглаяпти…

**Сайёра АЛЛАЕВА**

## БИР САВОЛГА БИР ЖАВОБ



*Халққа манзур бўладиган асарни саҳнага олиб чиқиш мураккаб ва машаққатли ижодий меҳнатни талаб этадиган жараён. Бу жараёнда кўп нарса режиссёрнинг маҳоратига, ташкилотчилик қобилиятига, холислиги ва ҳатто кимлигига — шахсига боғлиқ. Айни пайтда шундай фазилатлар актёрлардан ҳам талаб этилади. Хўш, бу касб эгаларининг ўзи бу ҳақда қандай фикрдалар? Санъатшунослар-чи? Уларнинг бугун ёзилаётган драматик асарлардан кўнгли тўлаяптими?*

*Саҳна санъатимиз равнақига бефарқ бўлмаган ҳар қандай мухлисда қизиқиш уйғотадиган ана шу масалалар юзасидан биз бевосита соҳа мутахассисларига, санъаткорларга бир аниқ савол билан мурожаат қилишни лозим топдик. Бундай қисқа сўровномадан кўзланган мақсад эса, театр санъатимиз ривожи йўлидаги муаммоларга аниқлик киритиш ва уларга ечим топиш учун фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлашдан иборатдир.*

*Қуйида сўровномамиздаги дастлабки саволга **Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов**нинг жавоби билан танишасиз.*

***Таҳририят***

## Ҳозирги кунда иш олиб бораётган режиссёрлар фаолияти ҳақида қандай фикрдасиз? Сизнингча, чинакам режиссёр қандай бўлиши керак?

— Эллик тўрт йиллик ижодий фаолиятим давомида саноқли режиссёрлар билан ишладим. Улар орасида, айниқса, Баҳодир Йўлдошев, Олимжон Салимов, Валижон Умаров билан ҳамкорлигимиз самарали бўлди. Бугун театр соҳасида кўплаб ёшлар фаолият олиб боришмоқда. Ораларида истеъдодлилари ҳам оз эмас. Лекин сўнгги вақтларда Самарқандда, Қашқадарёда, Андижонда турли режиссёрлар билан ишлаб шундай қарорга келдим: улар орасида Миллий академик драма театримизнинг бош режиссёри Асқар Холмўминов алоҳида ажралиб туради. Аввало, унинг режиссурасини ҳурмат қиламан. Қолаверса, спектаклга роль тақсимлашда адашмайди.

Бунинг биринчи сабаби шундаки, асарни қўлга олгандан сўнг актёрлар бирга стол атрофида пьесани ўқиш (буни биз “читка” деймиз) жараёнидаёқ атрофда ўтирганларнинг бирортасини назардан қочирмайди. Чунки пьесанинг тақдири асосан шу жараёнда ҳал бўлади. Кўп асарлар айнан ана шу ўқиш жараёнида чок-чокидан сўкилиб кетади. Актёрлар, яъни биз ҳам шу жараёнда пишамиз. Устозимиз Тошхўжа Хўжаев бу ҳақда шундай деганди: “Стол атрофида пьесани ўқиш она товуқнинг ўз бағрида жўжаларини парваришлашига ўхшайди. У жўжалари қачон етилганини сезади. Ана шу вақтда қанотларини ёйса, жўжаларнинг ўзи мизан-саҳнани топиб кетаверади”. Яъни асар қўлга олинганда ҳали ҳамма нарса мавҳум, актёрларнинг юраги эса қулфланган бўлади. Ана шу қулфни очишда баъзи режиссёрлар турли хил калитларни солиб кўради. Асқар эса бу қулфларни бир калит билан битта-битта очади. Қолаверса, образлар тақсимотида ҳам режиссёр танлови кўп нарсани ҳал қилади. Зеро, режиссёр ҳар бир актёр ва актрисанинг амплуасини, ижро услубини, характерини билиши керак. Шу масалада Асқар Холмўминов анча зийрак, мулоҳазали санъаткор.

Режиссёр қандай бўлиши кераклигини айтишдан олдин, у нималар қилмаслиги лозимлигини айтиб ўтмоқчиман. Бу менинг узоқ йиллик иш тажрибамдан келиб чиққан хулосаларим: режиссёр ҳеч қачон актёрга зуғум ўтказмаслиги, бақирмаслиги, кўпчиликнинг олдида изза қилмаслиги керак. Бунда актёрлар ёшининг аҳамияти йўқ. Мен режиссёрман, ҳал қилувчи кучман, ҳаммадан зўрман, деган билан иш битмайди. Билъакс, обрў тўкилади, ҳурмат йўқолади. Охир-оқибат, режиссёр ва актёрлар ўртасида жарлик пайдо бўлади. Бу ҳолат эса ижоднинг кушандаси.

Шу ўринда, кинорежиссёр Иброҳим Расуловнинг актёрлар билан ишлаш услубини ибрат сифатида таъкидлагим келади. Бу ижодкор актёрнинг ёнига келиб, сокин овозда: “Сен буни уддалайсан, яна бир марта уриниб кўр, албатта, ўйлаганимиздек чиқади”, деган гаплар билан далда беради. Ҳеч қачон овозига эрк бермайди.

Театр жамоаси ҳам режиссёрга, айниқса, ёш режиссёрга хайриҳоҳ бўлиши лозим. Аввало, уни турткиламаслиги керак. “Ёш бола бу, қўлидан келмайди, бу билан ишлаб бўлмайди”, деган гаплар билан ижодкорнинг кўнглини ишдан совутиш тўғри йўл эмас. Ҳаммамиз ёш бўлганмиз, хато қилганмиз. Бир-биримизга ёрдам берсак, камчиликларимизни ўзаро ётиғи билан тушунтирсак, олам гулистон. Айниқса, бу борада тажрибали актёрлар ўрнак бўлишимиз лозим.

Кези келганда институтнинг режиссёрлик факультетига қабул ҳақида айтиб ўтмоқчи эдим. Очиғи, бу ерда режиссёрликка ўқиётган талабаларни кўриб ҳайрон қолдим. Тўғри, ҳозир юртимизда театр режиссурасида оқсаш сезиляпти, бармоқ билан санарли режиссёрлар бор. Лекин режиссёрликка ўттиз нафар талабани қабул қилиш билан бу муаммони ҳал қилишга уриниш тўғри йўл эмас. Ҳозир қанча ёш режиссёрлар бошқа соҳаларга ўзини уриб кетяпти. Ишни шундай ташкил этиш керакки, айтайлик, Асқар ҳозир жамоа билан саҳнада иш бошлаган бўлса, бошқа бир режиссёр стол атрофида асар ўқишни бошлаши мумкин. Яна бошқаси янги асарни ўқиш билан банд бўлсин. Кейин спектакль фалон пайтга тайёр бўлиши керак, деб муддат қўйиш ҳам тўғримас. Хуллас, яхши режиссёрлар бор, уларга эътибор ва ёрдам беришимиз лозим.

# СОПОЛДА КЎНГИЛ ЖИЛОЛАРИ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига ташрифи чоғида водийда турли соҳаларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш жараёнида Риштон туманида қурилган Халқаро кулолчилик марказида ҳам бўлди. Маълумки, илгари риштонлик кулоллар ўз уйларида, тор устахоналарда ишлашарди. Хорижлик сайёҳларнинг келиб, уларнинг ҳунарини кўришлари учун шароит йўқ эди. Кейинги йилларда тадбиркорларга яратилган кенг шароитлар, қўллаб-қувватлашлар туфайли мазкур соҳада ҳам ўзгариш юз берди. Бир мисол: ўтган йилнинг ўзида туманга ўн беш мингдан зиёд хорижлик сайёҳлар келиб, усталарнинг ишлари билан танишди. Бугунги кунда Риштон қадимий кулолчилик санъати бутун дунёга машҳур. Усталар маҳсулотининг ярмидан кўпи ташқи бозорда харидоргир.*



Бизнинг қаҳрамонимиз — истеъдодли уста Абдусалом Маъмуров Фарғона, хусусан, Риштон кулолчилиги анъаналарини сақлаган ҳолда, ноанъанавий йўналишда ҳам самарали ижод қилиб келаётган усталардан.

Устанинг дастлабки мустақил иши чиннида Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони қаҳрамони Мажнун (Қайс) образи бўлди. Учта асардан иборат туркумда Мажнун образи ўрта асрлар китобат миниатюрасида қабул қилинган қоидалар асосида, яъни бирида тик ҳолатда турган, қолган иккитасида ўтириб, ўйга толган ҳолда тасвирланган. Туркум ликоплар шакли овал бўлиб, уста композицияни шу шаклга мослаган. Бу ишланма уста ижодида илк тажриба эди, шу боис дастлабки саъй-ҳаракатлар кутилган натижани бермаган. Образ талқинида лирик ва драматик ҳолат ифодаси етишмаган: тасвирларда майинлик ва сокин ритм йўқ, ранглари ҳам хира. Яна бир камчилик технология билан боғлиқ. Чунки қоғозга чизиш билан сополда рангли тасвир ҳосил қилиш бутунлай бошқа-бошқа жараён. Шубҳасиз, дастлабки ишларидаги камчиликлар сабоқ бўлиб, уста тинимсиз изланди, ўрганди.

2014 йилдан А.Маъмуров Буюк ипак йўли мавзусига астойдил қизиқа бошлади. 2014 — 2015 йилларда ишланган анъанавий лаганларда, шамотдан ишланган интерьерлар учун безакларда бу мавзуни хомашёдаги техник имконият ва қулайликлардан фойдаланган ҳолда турли кўринишда талқин қилди. Бизнингча, унинг бу ишларини замонавий Ўзбекистон кулолчилигида янги композиция нусхаларини яратишга интилиш деб тавсифлаш мумкин. Мавзуни думалоқ шаклли сопол лаганда акс эттириш учун тамоман янгича композиция яратилган. Устанинг бу борадаги илк ишида саҳна яхлит, ортиқча деталлардан холи, яъни лаган марказида бир-бирига орқа ўгириб турган бир жуфт туя: биринчиси жигарранг, иккинчиси сариқ рангда ишланган. Лаган маркази теграсида ҳошия тариқасида оқ, тўқ кўк, яшил ва сариқ рангли сув тўлқини ҳосил қилинган. Лаганнинг ҳошия (борт) қисмида эса юриб бораётган жигарранг туялар тасвирланган. Туяларнинг орасидаги “гажак” нақшли унсурлар “боқийлик” маъносини беради. Бу усул ҳозир мозийни ифодалашда янгилик сифатида қайд этилган.

“Карвон” деб номланган иккинчи лаганда тўлиб оқаётган ариққа ўрнатилган чархпалак ҳам мавзунинг, ҳам композициянинг маркази. У об-ҳаётни атрофга, инсониятга тарқатмоқда. Чархпалакнинг четидаги думалоқ шакл – она замин. Унда қитъаларни, маданиятларни бир-бирига боғловчи туялар карвони тасвирланган. Нортуялардаги саккизта савдогар сариқ, сиёҳранг, яшил ва кўк рангларда тасвирланган, уларнинг ҳар бири Буюк ипак йўлида савдо қиладиган турли миллатга мансуб одамлар. Агар уста уларнинг ҳар бирини ўз миллатига хос миллий либосда кўрсатганида иш янада таъсирчан чиққан бўларди. Персонажлар орасидаги дарахт тасвири ҳам маъжозий маънода. Ушбу асар орқали уста ҳаёт чархи бетўхтов айланишини, умуминсоний маданий қадриятлар ер куррасига тарқалаверишини, дунёни фақат эзгулик қутқаришини такрор ва такрор уқдирмоқчи бўлади. Шу ўринда устанинг 2017 йили ишланган лаганларига алоҳида тўхталиш жоиз. Улар орасида анъанавий безаклар чизилган идишлар билан бирга, замонавий мавзуларда ишланганлари ҳам бор. “Куз оҳанглари. Хазонрезги” деб номланган лагани ана шундай ижод намуналаридан. Лаганнинг марказидаги йирик доира замин рамзи. Унинг ичида учта кичикроқ доирача кўзга ташланади. Устанинг айтишича, бу – соҳибқирон Амир Темур қурган улуғ салтанат рамзи, яъни учта йирик қитъа. Заминга саккизта дарахт қадалган, улардан тўрттаси қовоқ сариқ, қолгани сариқ рангда. Бу, бизнингча, устанинг кулолчиликдаги янгиликларидан бири. Яъни у иккита бир хил рангнинг турли товланишини кетма-кетликда бериш орқали кузги хазонрезгини кўрсатмоқчи бўлган. Дарахтлардан тўкилиб, атрофга тўзиётган баргларга ҳамоҳанг, шохларда янги ўсиб чиққан ям-яшил барглар ҳам кўриниб туради. Уста бу рамзийлик орқали инсоннинг она заминдаги ҳаёти ўткинчилигини, туғилиш билан ўлимнинг ёнма-ёнлиги, авлодлар алмашинувини ҳамда одамлар умрлари мобайнида бир-бирларига фақат яхшилик қилишлари кераклигини, энг муҳими, инсон учун ҳар бир дақиқа ғаниматлигини эслатгандек бўлади.



Оила мавзуси кулол ижодининг асосий йўналишларидан. Зеро, оилани сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш бугунги кунда глобал муаммога айланмоқда. Бири иккинчисини такрорламайдиган композицияларда эр-хотин ҳамжиҳатликда турмуш сўқмоқларидан бирга қадам ташлаётгани акс эттирилган. Устанинг асосий мақсади оила, яъни муқаддас қўрғонни асраб-авайлашга чақиришдир.

Шу мавзуда ишланган гулдонда аёл ва эркак қиёфалари идишнинг икки томонига жойлаштирилган. Образлар жуда таъсирчан, аёл хаёлга чўмган, атрофида қушлар, дарахтлар бор. Аёл гўё зулматдан нурли ҳаётга интилмоқда. Тасвирда асосий урғу зулматга қаратилган. Манзара нафақат ғамгин ранглар қоришувида, балки қоронғулик рамзи бойўғли тасвирида ёрдамчи аллегорияни киритиш орқали янада аниқ ифодаланган. Мазкур ишда устани машшоқ образида кўрамиз. Аёли ўқитувчи, маориф соҳасида ишлаётгани учун қўлида китоб бор. Демак, уста ижодидаги тасвирларда жамиятнинг ибратли оилаларидан бири — оиласи, ўзи, орзу-умидлари тараннум этилган.

Абдусалом уста мустаҳкам, йирик композицияларни яратишда, кенг ҳажмни ҳосил қилишда шамот хомашёсини афзал кўради. 2014 йили яратилган “Буюк ипак йўли” композицияси уч қисмли бўлиб, пастда ипак йўли ўтган шаҳарлар рамзлар мажмуи орқали кўрсатилган; ўртада устига хуржунларда мол ортилган саҳродаги туялар карвони шаҳар томон ҳаракатланмоқда; тепада олисдаги қалъа деворлари билан ўралган азим шаҳарлар бўй кўрсатиб турибди. Учала қисмни (мозийни) бир-бирига боғлаш учун уста яна қўшимча рамзлардан, масалан, ўрама шаклдан фойдаланган. Ўрама – чексизлик ва боқийлик рамзи. Замонавий интерьерларни безашга мўлжалланган бу асарнинг айрим жойлари сирланган. Шунинг учун ашёнинг юзасига электр нури тушганда ялтираб, киши кўзини қамаштирмайди. Аксинча, масофадан қаралганда ифодали кўринади.

Таҳлил қилинган ижод намуналаридан хулоса шуки, Абдусалом уста 25 йиллик ижодий тажрибаси мобайнида анъаналарни асраш баробарида, янгилик яратиш йўлидаги изланишларини давом эттирмоқда.

**Замира САЪДУЛЛАЕВА,**
**Тошкент давлат миллий рассомлик ва дизайн институти таянч докторанти**

*Ҳинд мутафаккири, Нобель мукофоти совриндори Робиндранатх Тҳакур Тожмаҳал мажмуасига "абадийлик юзидаги кўзёш", дея таъриф берганди. Ҳақиқатан, Бобурийлар салтанатининг пойтахти бўлган Агра шаҳри яқинида, Жамна дарёси бўйида жойлашган мазкур мақбара ўзининг маҳзун, айни пайтда ажойиб тарихига эга. У ҳукмдор Шоҳжаҳон ва унинг ёри Мумтоз Маҳал орасидаги ўтли муҳаббат тимсоли.*

# Буюк муҳаббат обидаси



Муаррихлар Бобурийлар сулоласининг муносиб давомчиси Шоҳжаҳоннинг ўттиз йил (1628-1658) давом этган ҳукмронлик даври Ҳиндистон тарихида ёркин из қолдирганини бот-бот таъкидлашади. Айниқса, у қурдирган Тожмаҳал мажмуаси неча-неча йиллардан бери дунё аҳлини ҳайратда қолдириб келяпти.

1612 йили Шоҳжаҳоннинг суюкли аёли Мумтоз Маҳал ўн тўртинчи фарзандига кўзи ёриётган пайтда вафот этади. Бу айрилиқ ҳукмдорни чуқур қайғуга солади. У рафиқаси васиятини бажо келтириб, ишқ рамзига айланган Тожмаҳал мажмуасини барпо этади. Бунга 23 йиллик умрини сарфлайди. Манбаларда айтилишича, Шоҳжаҳон Мумтоз Маҳал вафотидан сўнг яна 31 йил умр кўрган, бироқ бу вақтни ёлғизлик, айрилиқ азоби, садоқат ва вафо алангасида ўтказади.

Тожмаҳал оқ мармардан, атрофидаги бинолар эса қизил тошдан қурилган. Хиёбонлар катта боғ билан қуршалган. Атрофда далалар ястанган. Жамна дарёси сокин оқади. Сукунатни фақат қушларнинг чуғур-чуғури бузади. Ҳайратланарлиси, мажмуага қай томондан қараманг, бир хилда кўринади. Офтоб нурларида эса турлича жилоланади. Тонгда кумуш рангда, қуёш ботаётган чоғда тилла тусда товланади.

Шоҳжаҳон Тожмаҳални бунёд этиш билан ўз шуҳратини оламга ёймоқчи эмасди. Ҳар куни жаҳоннинг олти қитъасидан ўн беш мингга яқин сайёҳ ва зиёратчи келиб кўрадиган обидани, севимли рафиқасидан айрилиқ дардини енгиллаштирмоқчи эди, холос.

Айрим манбаларга кўра, ўз отасини банди этган Аврангзеб Шоҳжаҳонга Тожмаҳал тарафга ҳатто қиё боқишни ҳам ман этган экан. Бироқ Шоҳжаҳоннинг толеига у ҳибсда сақланган ҳужранинг дарчасидан Тожмаҳал шундоқ кўриниб турган. Собиқ тождор шу ҳужрада бандиликда оламдан ўтади. Васиятига кўра уни севгилисининг ёнига дафн этишади.

Дунёнинг турли бурчакларидан келадиган зиёратчиларни буюк муҳаббат обидаси ҳайратга солади.

Яқинда Интернет орқали "Тожмаҳал хавф остида, яқин келажакда унга дарз кетиши мумкин", деган хабар тарқалди. Мақбаранинг қизил ёғочдан ишланган пойдевори дарё суви камайгани сабабли қуриб, ёрилиб кетмоқда. Зарур чоралар кўрилмаса, пойдевор мармар гумбаз ҳамда миноралар оғирлигини кўтара олмай, емирилиб кетиши мумкин...

"Бўлиши мумкин эмас!" Дарров хаёлимга шу гап келди. Эзгулик, гўзалликни маҳв этиб бўлмайди-ку! Ҳар ишнинг ҳисобини топган жонкуяр, фидойи инсонлар бор, ахир! Улар бу муҳаббат саройини ҳам, албатта, сақлаб қолишади. Салкам 400 йилдан бери турли бўрону шамолларга дош бериб келаётган обида бундан кейин ҳам буюк муҳаббат рамзи бўлиб қолаверади.

Шарқона самимий муҳаббат барча даврларда ҳам ўзга миллат вакиллари ҳайратига сазовор бўлган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг биргина "Шоҳмен элга, вале сенга қулдурмен" сатрини таҳлил қилмоқчи бўлсангиз, бир китобга етарли мавзу бўлади. Ота-боболаридан юксак инсоний хислатларни мерос қилиб олган бобурийлар муҳаббатга дунё аҳлини лол қолдирадиган ҳайкал қўйганлигини ҳар биримиз билмоғимиз керак. Афсуски, бугунги кунда айрим ёшларимиз орасида "севги", "сени севаман" каби сўзлар жуда "арзон"лашиб кетяпти.

## ДУНЁ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Куни кеча ижтимоий тармоқда италиялик танишим Клара (у тарих фани ўқитувчиси) билан гаплашиб қолдик. У салом-аликдан сўнг "Азизбек, сени 14 февраль куни билан табриклайман", деди. Ғалати ҳолга тушдим. "Бу европаликлар намунча "севишганлар куни"ни кўкларга кўтаришмаса", деган гап хаёлимдан ўтди.

— Раҳмат, лекин бизда бунақа байрам йўқ, — деб унга тушунтиришга уриндим.

— Нега? Ахир, Бобуршоҳ халқингизнинг буюк намояндаси-ку! — ҳайрон бўлди у.

Каловланиб қолдим. Кейин у 14 февраль куни ўзи ишлайдиган мактабда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ва фаолиятига бағишланган кўргазмали дарс ўтказишаётганини айтди. Жуда ажойиб хабар!

Бутун кун давомида ўзимча ғурурланиб юрдим. Ишдан қайтаётиб таксига ўтирганимда ҳам кўтаринки ва ажиб ҳислар қуршовида эдим. Ёнимда ўтирган, сочлари жайрасифат, ғалати шим кийган, замонанинг энг олди "йигити"нинг ғалати назари ҳам аввалига эътиборимни тортмабди. Аммо унинг жиринглаган қўл телефонидаги овоз хаёлларимни тўзитиб юборди.

— Ҳа, асалим, — деди у кимгадир.

Унга шунчалик яқин ўтирганимдан "асали" томонидан айтилган овозлар ҳам жуда аниқ эшитиларди:

— Бобур ака, "севишганлар куни" билан табриклайман...

Буёғига ҳеч нима дея олмайман. Яхшиси, сиз гапиринг...

**Азизбек НОРОВ**

*Адиб Муродбой Низанов — 70 ёшда*




## КЎП ва ХЎБ ёзадиган АДИБ



Муродбой Низанов бошқаларга ўхшамайдиган, ғалати ёзувчи. Аксарият ёзувчилар кўп гапиради, кам ёзади. Муродбой оға эса сўзлашганда жуда кам гапиради, лекин ёзганда жуда кўп ёзади, ўхшатиб ёзади. Асарлари жуда бинойи. "Шунақасиям бўлади", "Нишона", "Кулгим келади", "Одам кулдиргани учун", "Сизга бўлмайди", "Ўзга сайёрада етти кун", "Акчагул", "Охират уйқуси", "Душман", "Ошиқ бўлмаган ким бор", "Ҳаво кемасида икковлон", "Муҳаббат қўшиғи" каби қирққа яқин китоблари қорақалпоқ ва ўзбек тилларида нашр этилган.

Унинг ҳикоя, қисса ва романлари ёзилган заҳотиёқ – ҳали сиёҳи қуримасданоқ ўзбек тилига таржима бўлиб кетади. Кўп асарлари кино бўлиб кетган.

Носир Фозилов, Турсунбой Адашбоев каби устозлар Муродбой оғанинг китобларини она тилимизга таржима қилганидан буён орадан, эҳ-ҳей, қанча сувлар оқиб ўтган. Бугун эса ўша мўътабар устозларнинг қўлидан эстафета байроғини Меҳмонқул Исломқулов, Музаффар Аҳмад, Ғафур Шермуҳаммад олиб, ўзиб боришмоқда.

Муродбой Низанов – қизиқ ёзувчи. Гаплашганда ҳеч кимга ҳазил қилмайди, жиддий юради, деярли кулмайди. Лекин ёзганларини ўқисангиз, ичагингиз узилиб кетгудек куласиз. Ҳазил-мутойибага лиммо-лим тўла ҳикоялари билан ҳаммани кулдиради. Муродбой Низанов ана шундай камтар, камсуқум, лекин жуда керакли, жуда машҳур ёзувчи.

Қорақалпоқ ва ўзбек халқларининг севимли ёзувчиси Муродбой Низановни таваллуд айёмининг 70 йиллиги билан самимий муборакбод этамиз.

### МУРОДБОЙ ОҒАГА

Калом билан яшайсиз, ажойибсиз
Нашриётнинг ойлигига, Муродбой.
Ўткир қаламингиз билан соҳибсиз
Прозанинг бийлигига, Муродбой.

Абдулла Ориф айтган – муносибсиз
Сиз Нобелнинг сийлиғига, Муродбой.
Нодир асарларингизни сотмайман
Етти иқлим бойлигига, Муродбой.

Оддий халқнинг арз-додисиз, Муродбой,
Сиз Бердақнинг зурёдисиз, Муродбой.
Қаҳрамонларингиз содда, оққўнгил,
Қорақалпоқ муродисиз, Муродбой.

От чоптириб элга чиққан донғингиз,
Доим олға босар машҳур "Танк"ингиз.
Сиз нашр этган китоблар – асил бойлик,
Пулга тўлиб кетган Сизнинг банкингиз.

Бир ён Чимбой, бир ёнингиз Кегайли,
Йигитлари Мажнун, қизлари Лайли.
Дунё севиб қолар қорақалпоқни
Низановнинг асарлари туфайли.

Туркий эллар Сизга қондош, оға-ини,
Устоз деб билдингиз Носир оғани.
Омон бўлинг адабиёт бахтига,
Узоқ яшанг М. Низанов оғайни.

**Рустам МУСУРМОН,**
**Қорақалпоғистон халқ шоири**

## ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

# ТАРИХДАН ТАРАЛГАН НУР

Пойтахтимиздаги Камолиддин Беҳзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида очилган "Тарих қаъридаги нур" деб номланган кўргазма буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг беш юз саксон йиллигига бағишланди. Экспозицияда Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар, "Ҳунарманд" уюшмалари аъзолари – Б.Ҳожиметов, К.Мирзаев, К.Абдуллаев, Ҳ.Муҳиддинов, К.Омонов, З.Ҳакимов, М.Мирсоатов, К.Омонов, С. Жалилова, Б.Жўрабоев каби ижодкорларнинг асарлари, Н.Ҳайдарова томонидан тақдим этилган анимацион ижод намунаси намойиш этилди. Улуғ шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган олтмишдан ортиқ асар томошабин тафаккурини юксалтириш учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Адабиётшунос олимлар ва хушовоз хонандалар иштирокидаги "Назм ва наво" кечаси тадбирга шукуҳ бағишлади.

* * *

Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида 2020 йилда вафот этган марҳум ижодкорлар хотирасига бағишланган "Санъат абадийдир" деб номланган кўргазма очилди.



Экспозициядан театр ва кино рассоми Зубайдулла Ботиров, миниатюрачи рассом ва заргар Ниёзали Холматов, ёғоч ўймакори Ғулом Йўлдошев, ҳайкалтарошлар Аҳмад Шаймуродов, Саидолим Шарипов, рассомлар Ҳаким Мирзаҳмедов, Геннадий Серов, Анвар Батеев, хаттот, мусиқа асбоблари устаси Тўхтамурод Зуфаров, дизайнер Андрей Абдулов, Тошкент шаҳридаги "Media Lend" нашриёти раҳбари Геннадий Бондаренко, санъатшунос Сайёра Маҳкамова, кулол Людмила Отченашенко каби муаллифларнинг асарлари ўрин олган.

Ранг-баранг мавзуда ишланган бетакрор асарлар ижодкорларнинг ўзларига доимо талабчан бўлганини, ижодий изланишлари доираси кенглигини тасдиқлаб турибди.

Кўргазмада муаллифларнинг оила аъзолари, шахсий коллекционерлар, таниқли рассомлар, санъатсевар мухлислар иштирок этишди.

**Сарвара ҚОСИМОВА**

## РАҚС САНЪАТИГА ЭЪТИБОР

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан Ўзбекистон давлат хореография академияси ташкил этилганига бир йил тўлди. Шу муносабат билан академиянинг катта залида профессор-ўқитувчилар, талабалар, меҳмонлар иштирокида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирни очган академия ректори Шухрат Тўхтасимов мазкур сананинг аҳамияти ҳақида гапириб, давлатимиз раҳбарининг рақс санъати ривожига қаратаётган юксак эътиборининг мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталди. Зеро, бу даргоҳда замонавий ва рақобатдош мутахассис кадрлар тайёрлаш учун жаҳон андозаларига мос барча шарт-шароитлар ҳамда қулайликлар яратилган. Шунингдек, Россия, Қозоғистон, Беларусь каби давлатлардаги турдош хорижий таълим муассасалари билан бевосита илмий-ижодий ҳамкорлик ўрнатилган. Тадбирда сўзга чиққанлар мазкур ўқув даргоҳининг фаолияти классик ва ўзбек миллий рақс санъатининг ривожига, дунё микёсидаги обрў-эътиборига самарали таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидладилар.

"Ўзбекистон", "Навбаҳор" давлат ашула ва рақс ансамбллари, Муқимий номидаги театрнинг "Тановар" рақс ансамбли ижросидаги гўзал ва нафосатли рақслар тадбирга файз бағишлади. Академия тарбияланувчиларининг чиқишлари эса уларнинг классик ва миллий рақслар ижросида эришаётган ютуқларини намойиш этди. Тадбир сўнггида ташаббускор, фидойи устозлар ҳамда нуфузли кўрик-танловларда фахрли ўринларни эгаллаган талабалар тақдирланди.

**Ўз мухбиримиз**

"Ko‘chmas mulk savdo xizmati"

**МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!**

"Ko‘chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан "Диёр овози" газетасининг 27.11.2020 йилдаги №34 (3822) сонида ҳамда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 15.01.2021 йилдаги №3 (4610) сонида берилган хабарномада "Чилонзор буюм савдо комплекси"АЖга тегишли савдо шохобчаларининг танлов савдолари вақтинчалик тўхтатилганлигини маълум қиламиз.

**Асос:** "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖнинг 2021 йил 5 февралдаги 30-сонли хати.

# Таваллуд кунлар



**Рустам Абдуллаев** – 12 февраль (1947) – композитор, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби.



**Анвар Мирсоатов** – 13 февраль (1939) – рассом, Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми.



**Раъно Ярашева** – 15 февраль – Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.



**Радик Азизов** – 15 февраль (1965) – рассом, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси.



**Ҳамид Тўхтаев** – 16 февраль (1960) – Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри актёри, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.



**Мақсуда Эргашева** – 17 февраль (1951-2014) – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира.

*Заҳириддин Муҳаммад БОБУР*

## РУБОИЙЛАР

**Сен гулсену мен ҳақир булбулдирмен,**
**Сен шуъласену ул шуълаға мен кулдирмен.**
**Нисбат йўқдур, деб ижтиноб айламаким,**
**Шаҳмен элга вале сенга қулдурмен.**

* * *

**Ҳижрон аро ёд этиб мени шод айла,**
**Маҳжур кўнгулни ғамдин озод айла,**
**Бу хатни анинг учун битдим мунда,**
**Кўрган Сойи хатимни, мени ёд айла.**

**Туз ох, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,**
**Юз ох, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,**
**Сарриштаи айшдин кўнгулни зинҳор**
**Уз ох, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.**

* * *

**Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,**
**Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.**
**Кўнглим бу ғарибликда шод ўлмади, ох,**
**Ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.**

Тошкент қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежи томонидан 2013 йилда Мадумаров Иброҳим Эркин ўғли номига берилган К3153810 (рўйхат рақами: 168) рақамли дипломнинг йўқолгани маълум қилинади.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоаси "Кино, телевидение ва радио режиссёрлиги" кафедраси профессори

**Маҳкам МАҲАМЕТОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз: imzo akfa

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 3361. Буюртма Г - 244.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 22.30.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42* *Санъат бўлими: 233-56-40* *Назм ва наср бўлими: 233-58-60*